

Б.Бойметов

ҚАЛАМТАСВИР

МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ

Тошкент 2006

1-маъруза. Қаламтасвир тарихи, уни ўқитишнинг методологик асослари.

Қаламтасвир – барча тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланади. Рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишидан қатъий назар, қаламтасвирга асосланади. У ўзининг кузатишлари, катта асар композициялари устидаги изланишларини аввал қаламда дастлабки чизгилар билан ифодалайди. Санъат асарларини яратишда эса, ушбу бажарилган чизгилар рассомга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Рассом у ёки бу картинасининг яратишни қаламдан бошлайди. Шудан кейингина ушбу санъат асари ранглар жилоси орқали томошабинга эстетик ҳузур бахш этади. Бошқача қилиб айтганда, қаламтасвирсиз ҳеч бир рассом ўз асарини етук ҳолга келтира олмайди.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равишда тугалланган дастгоҳли санъат асари ҳам бўлиши мумкин. тушь, сангина, пастель, соус, қалам билан бажарилган кўплаб картиналар жаҳоннинг турли санъат музейи ва кўргазмаларидан жой олган.

Қаламтасвир машўулотлари кўриб-кузатиб тўўри тасвирлаш, борлиқни идрок этиш, қўл, он ва сезги оргинларини шакллантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

Уйўониш даврининг буюк рассоми ва олими Леонардо да Винчининг «Рангтасвир қонунлари» номли асарида жумладан шундай деган эди: *«Ёшлар ўзларини илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукаммал билмоқлари лозимдир».*

Қаламтасвир машўулотлари бошқа мутахассислик фанлари қаторида бўлажак ўқитувчи-рассомларни тайёрлашда асосий мезон ҳисобланади. Қаламтасвир дарслари талабларга I-IV курсларда назарий ва амалий машўулотлар орқали олиб борилади. Шунини таъкидлаш керакки, амалий машўулотлар қаторида назарий билимлар бўлажак мутахассисларга уларнинг кейинги педагогик, ижодий ва илмий фаолиятларида муҳимдир.

Борлиқни реалистик тасвирлаш талабаларга нафақат амалий билимларни берибгина қолмай, балки уларнинг умумий дунёқарашларини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Реалистик тасвирлаш санъати, шунингдек ёшларда борлиқни ҳаққоний образларда ифода этиш маҳоратларини ривожлантиради.

Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга, уларнинг эстетик дидларини ҳам ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш принципида қурилгандир. Табиатга муҳаббат ва кузатувчанлик, буюмларни тўўри тасвирлаш каби фазилатлар ҳар бир тасвирий санъат билан шуўулланадиган талабаларга хос бўлмоўи керак.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг етук малакага эга бўлишда нафақат амалий билимларни чуқур ўзлаштирган бўлиши, балки тасвирлаш санъати соҳасида назарий тайёргарлигининг пухталигига ҳам боўлиқ.

Бўлғуси педагог-рассомларни буюк рассом ва тасвирий санъат соҳасида кўплаб назарий, амалий билимларни мерос қилиб қолдирган шахслар ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан таништириш, уларнинг асарларини чуқур ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Бу кўникма ва малакалар талабанинг олий ўқув юртининг барча босқичлари давомида билим олиш вақтида ўқув машқларини бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради. Шунингдек, ушбу билимлар бўлажак ўқитувчи-рассомнинг олийгоҳни тугатгандан сўнг, педагогик ва ижодий иш жараёнида ҳам муҳимдир.

Қаламтасвир ишлаш методлари тарихидан

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиш инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиш учун зарур бўлган. Тарихдан маълумки, тасвирларнинг аксарияти овчилик билан шуўулланиб келган қадимги одамларнинг ҳайвонларни қандай ов қилганликларига асосланган. Улар ҳайвонларнинг юрган йўлларини кузатиб, қоя ва ўорларда турли тасвир ва белгилар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши

натижасида кейинчалик ҳар хил ов манзаралари ўзига ҳос дастлабки композиция ечимига эга тарзда акс эта бошлаган. Заравут-Сой (Сурхондарё) ўоридан топилган жаҳон эътиборига молик ушбу тасвирда одамларнинг еввойи буқага тош ва найзалар отиб, сўнгра уни тикка қоядан пастга тушириб юбориш сахнаси тасвирланган. Тасвирларнинг жуда содда бўлишига қарамасдан айтиш мумкинки, улардаги ҳаётийлик, натурага нисбатан бўлган кузатувчанлик ҳолатлари кишини лол қолдиради. Ушбу тасвир қадимги тош асри (мезолит)га тегишлидир.

1957 йили Хўжакентда (Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани) топилган тошга ўйиб ишланган буёу тасвири ҳам диққатга сазовордир. Унинг ўлчами буёунинг ҳақиқий катталигига яқин бўлиб, 1,9 метрни ташкил этади. Шу ерда топилган еввойи бука расми ҳам тасвирланиши жиҳатидан силуэт шаклида бўлиб, тошнинг бўртиқлиги (рельефи) ҳисобга олиниб ишланган. Бу икки тасвир сўнгги палеолит даврига тегишлидир.

Эрамиздан аввалги III-II асрларга мансуб кулолчилик буюмлари ҳамда деворларга ишланган суратларда (Чуст, Далварзинтепа) асосан осмон, ер, қуёш, сув, одам ва ҳайвонларнинг тасвирларини кўриш мумкин.

Ибтидоий давр одамлари қоя ва тошларга кўмир билан турли тасвирларни тушириб, сўнгра улар устидан ўткир тошни юрўзиб чиққанлар. Кейин эса тасвирларни пушти ранг билан бўяганлар. Уни таъкидлаш лозимки, аксарият тасвирлар афсонавий ва турли маросимлар асосида ишланган (ритуал) характерга эга суратлар бўлиб, инсонларнинг ўша даврдаги дунёқарашларининг дастлабки кўринишларини ўзида мужассамлаштирган.

Кейинчалик шулар асосида ёзиш пайдо бўла бошлади ва ривожлана борди. Аввалига пиктографик (тасвирий), сўнгра идеографик, яъни ҳар бир белги сўз маъносини англатувчи шакл, ундан кейин эса дастлабки ҳарфлардан иборат ёзувлар пайдо бўла бошлади.

Одамлар тасвирлаш борасидаги дастлабки малакаларни табиатни бевосита кузатиш ва унга таҳлил қилиш йўли орқали эгаллаганлар. Тасвирлашга ўргатиш палеолит даврида ҳам ривожланмаган эди. Фақатгина

кейинчалик неолит даврига келиб деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг бошланғич босқичида инсоннинг меҳнат қилиши натижасидагина санъатга бўлган қизиқиш янада ривожлана борди.

Расм чизишга нисбатан иштиёқ инсонларнинг кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмларни безаш орқали ривожланди. Энг аввало сопол идишларга турли нақш ва тасвирлар тушириш пайдо бўла бошлади. Шу тариқа тасвирлар ишлашнинг дастлабки методлари ҳам юзага келди. Энди шогирд ҳунарманд-устозининг тасвирларини қандай ишлашини кузатиб унда йўл-йўриқлар ўрганар эди. Чунки шогирднинг устоз кўрсатмаларига риоя қилиши кейинчалик шу ҳунарнинг давом эттиришда муҳим ўрин тутган эди.

Шундай қилиб тасвир бажаришни ўргатишнинг дастлабки усуллари пайдо бўлди. Лекин, ушбу дастлаки методлар аниқ ишлаб чиқилган, йўл-йўриқлар ва тамойилларга асосланмаган эди. Тасвирий санъатга ўргатиш, ҳамда мактаблар ташкил этиш анча кейин бошланган.

Тасвирий санъатга ўргатиш методлари тўғрисида гап борганда даставвал Қадимги Мисрнинг юксак ривожланган маданиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тарихий манбаларда ёзилишича Қадимги Миср мактабларида турли фанлар қатори расм чизиш ҳам кенг ўргатилган. Мактабни тугатган ўспирин хона ички кўринишини тасвирлай олиши, катта майдон чизмасини чизиб, унинг ўлчамларини қўя билиши, сув иншоотлари тасвирини чиза билиши шарт бўлган. Тасвирий санъат методларини мактабларда ўргатилишини биз дастлаб Қадимги Мисрликлар фаолиятида кўришимиз мумкин.

Болани тасвирлашга ўргатишнинг асосий сабабларидан бири ўқитиш услуби иероглифик хусусиятга эга бўлганлигидандир. Чунки у ёки, бу фикрни баён этиш фақат тасвирлар орқали амалга оширишни талаб этарди.

Болани мактабда ўқитиш тизими жуда каттикқўллик билан, ҳаттоки мажбурлаш даражасида олиб бориларди. Белгиланган мактаб қонунига амал қилинмаган ўқувчи жазоланарди. Қадимги манбаларда ёзилишича, мактаб қонун-қоидаларига бўйсунмаган шогирд ҳивич билан саваланиб, сўнгра

узоқ вақт қоронғу зулматда сақланган экан. Ўша давр мактаб қонуни куйидагиларни талаб этарди: «Кундалик ўқишда фаол ва атрофдагиларга мулойим бўл. Ҳеч қачон дангаса бўлма, йўқса калтакланасан!». Мактабларда расм чизишга ўргатиш дастлаб Қадимги Мисрда пайдо бўлди. Ўқитиш рассом-педагоглар томонидан аниқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган метод ҳамда қонунлар асосида олиб бориларди. Шунини таъкидлаш лозимки, Мисрликлар расм чизиш ва унинг назарий қонунларига асос солганлар. Ўша давр мактабларида ёшларга таълим беришнинг аниқ ишлаб чиқилган дидактик тамойиллари бўлмаган. Ёшларга расм чизишни ўргатиш натурани кузатиш, таҳлил этиш, атроф табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни кузатиш орқали эмас, балки олдиндан ишлаб чиқилган андозалар олиб борилган.

Мисрликлардан фарқли ўлароқ Қадимги Юнон рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш борасида таълим-тарбияга ўзгача ёндошиб, уни тубдан бойитдилар. Улар ёш рассомларни кўпроқ табиатни ўрганишга ва унинг ажралмас бўлакларидан бири бўлган инсон гўзаллигини юксак даражада тасвилашга чақирганлар. Парассий, Эвпомп, Памфил, Аппелекс ва бошқа рассомлар ўзларининг назарий асарларида дунёдаги барча нарса ва буюмлар симметрик, гармоник ҳамда математик жиҳатдан ўлчамларга эга эканлиги ҳақида ёзадилар. Жумладан эрамиздан аввалги 432 йилда яшаб ижод этган ҳайкалтарош Поликлет одам тана бўлакларининг бир-бирига нисбатлари ҳақида ёзиб, унинг исботи сифатида *«Дорифор»* маъбудасини яратган. Кейинчалик расм чизишни ўрганаётган ёшларга Поликлет яратган ҳайкаллардан бирини ўзига қараб тасвирлаш мажбурий равишда таълим тизимига киритилганини кўрамыз.

Эрамиздан аввалги IV асрга келиб қадимги Юнонда Сикион, Эфесс, Фиван каби ўша даврдаги машҳур рассомлар мактаблари вужудга келди. Шулардан энг кўзга кўрингани Сиккаон мактаби бўлиб, у нафақат расм чизиш методларини такомиллаштиришга балки, умуман тасвирий санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди ҳамда у ёшларга тасвирий санъатни ўргатиш орқали гўзал табиатни севишга, унинг қонуниятларини илмий жиҳатдан ўрганишга қаратди.

Тасвишлаш жараёнида ёшлар табиатни кузатиш билан бир қаторда мавжуд нарсаларнинг тузилиш хусусиятларини ҳам ўрганганлар. Шунинг учун Сиккион мактабининг асосчиларидан бири Памфил расм чизишни фан сифатида барча ўқув даргоҳларига киритилишини йўлга қўйган. У тасвирий санъатга илмий нуқтаи назардан қарашни биринчилардан бўлиб олдинга сурди. Тасвирий санъатнинг асоси бўлган қаламтасвирга юксакбаҳо бераркан *«Қаламтасвир ишлашда юқори даражада аниқлик ва илмий асос бериши керак»* деб ҳисобларди.

Кўриб турибмизки, Памфил тасвирий санъатни, хусусан қаламтасвир бўйича ёшларга сабоқ беришнинг илмий асосланган, назарий ва илмий методикасини ишлаб чиққан. Унинг методикаси асосидасабоқ олиш ёшлардан назарий билимларни эгаллашни ва кўплаб амалий машқлар бажаришни талаб этарди. Бу ерда тўлиқ ўқиш даври ўн икки йил давом этган.

Қадимги Юнон мўйқалам усталари ўз ўқувчиларига табиатни кўпроқ кузатиб идроклашни, унинг беқиёс ва такрорланмас гўзалликларидан лаззатланишни ўргатар эдилар. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, Юнон рассомлари нарса ва буюмларни ўзига қараб ҳаққоний тасвишлашга биринчи бўлиб асос солганлар. Расм чизишнинг барча мактабларда фан сифатида ҳаққоний тасвирни ифодалай билишлари улар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Қадимги Рим даври санъаткорлари Юнон рассомлари эришган ютуқларни давом эттирган ҳолда тасвирий санъат соҳасида улкан мувоффақиятларга эришдилар. Ўша даврнинг бой кишилари санъат асари намуналарини йиғиб, кенг оммага намойиш қилишни одат қилганлар. Айниқса бу ҳол Цезарь ҳукумронлиги даврида кўпроқ оширилган. Лекин, Юнонлик санъаткорлардан фарқли ўлароқ, Рим рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш тизимида ҳеч бир янгилик киритмадилар. Рим империясирассом-ўқитувчиси бадий ижод муаммолари билан шуғулланмас эди. Асосан ўқитиш тизимида Юнон рассомлари яратган намуналарга эса рассом-ижодкор сифатида эмас, ҳунарманд нуқтаи назардан нусха кўчириш, юнон рассом-педагоглари ишлаб чиққан ўқитишнинг илмий асосланган

услугларидан воз кечиш охир – оқибатда тасвирий санъатнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Ўрта асрларга келиб, реалистик тасвирий санъат батамом инқирозга учради. Чунки бу давр рассоми на буюмни тексликда ҳаққоний тасвирлаш қоидаларини ва на тасвирлашда Юнон рассомлари томонидан ишлаб чиқилган асосий принципларни тўлиқ билмас эди. Руҳонийлар буюк Юнон рассом-педагоглари томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг назарий асосларини йўқ қилдилар. Уйғониш даврининг кўзга кўринган рассом-назариётчиси бу ҳақда шундай ёзади: *«Император Константин ва Сильвестр папаси даврида Христианлик дини таркиб топди. Тасвирий санъат мисли кўрилмаган даражада таъқиб қилинди. Буюк санъат асарлари-картиналар, маъбудалар ва инсоннинг энг буюк туйғусини шакллантирувчи рассомлар санъатини ўқитиш борасида тўпланган чизма, қонун ҳамда ёзувлар йўқ қилини»*.

Антик номи билан юритилган ушбу давр санъатнинг вайрон қилинишида турк истилочилари ҳам ўз «ҳиссаларини» қўшдилар. Турклар томонидан Юнонистоннинг босиб олиниши тасвирий санъатнинг батамом ривожланишдан тўхталишига олиб келади. Тасвирий санъат хусусан рангтасвир санъати билан шуғулланган Стендаль ўрта аср даврини шундай изоҳлайди: *«Босқинчилар қадимги олимларнинг қўлёзмаларини ёқиб кул қилдилар, буюк санъаткорлар томонидан тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари йўқ қилинди. IX,X,XI асрлар, Қора зулмат асрлари бошланди»*.

Бу вақтга келиб тасвирий санъат дарсларини умумий таълим фани сифатида ўқитиш олиб ташланди. Оқибатда ўқитишнинг аниқ ишлаб чиқилган назарий ва методик тизими йўқ бўлади. кейинчалик бу мураккаб ва маъсулиятли вазифалар уйғониш даври рассом-ижодкорлари томонидан бажарилди.

Уйғониш даври тасвирий санъатнинг ривожланишида янги даврни очди. Расм чизиш назарияси соҳасида рассомлар янгича методларни ишлаб чиқа

бошладилар. Салкам минг йиллик турғунликдан сўнг, илмий билимлар ва санъатни ривожлантириш муаммоларига бўлган қизиқиш яна қарор топди.

Тасвирий санъат хусусан қаламтасвир бажаришнинг янги методлари бўйича Ченнини, Альберти, Ленаардо да Винчи, Дюрер каби кўплаб буюк санъаткорлар шуғуллана бошладилар. Улар тасвирий санъат соҳасида илмий изланишлар табиат қонунларидан келиб чиқади деб қарайдилар.

Расм чизишга нисбатан кўп бўлмаган 4 – 6 ўқувчидан иборат гуруҳлар ташкил қилиниб, улар уста рассомлар уста хонасида тахсил олар эдилар. Қаламда тасвирлаш композиция билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориладди. Уста рассом қандай қилиб қаламчизги бажариш, кейин уни материалда ишлаш ҳамда картон (хомаки расм) тайёрлашгача бўлган барча босқисларни ўргатар эди.

Қаламтасвир, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рангтасвирнинг ҳақиқий асоси сифатида танг олинар эди. Шунинг учун ҳам уйғониш даври буюк рассомлари расм чизиш методларига катта эътибор берганлар.

Ченнини Ченнино «Рангтасвир қонуниятлари» номли асарида қаламтасвир бажариш методларига катта эътибор бериб, унинг заминидан нарсанинг ўзига қараб тасвирлаш машқлари етарди деб ёзган эди. Унинг таъкидлашича юксак маҳоратга эга бўлиш учун шогирд ҳар куни бир неча соат расм чизиши керак.

Флоренциялик меъмор – Леон Ватиста Альберти ҳам қаламтасвир ва уни ўқитиш методларига катта эътибор беради. Хусусан унинг «Рангтасвир тўўрисидан уч китоб» номли машҳур асарлар тўпламида ёзишича, ранглар билан ишлашни ўрганишдан зарурлигини айтади. Унинг ушбу асари 500 йил аввал ёзилганига қарамасдан, қонуниятлари, ҳулосалари, ҳозирги замон академик расм чизиш методларига тўла-тўқис мос келади. Альберти расм чизишга жиддий илмий фан сифатида қарар эди.

Расм чизиш методларини такомиллаштиришга буюк Леонаардо да Винчи ҳам ўз хиссасини қўшди. Унинг «Рангтасвир ҳақидаги китоб»ида оламнинг тузилиши, табиатдаги ўзгаришлар, ҳайкалтарошлик чизикли ва фазо перспективаси ҳақида кўплаб илмий асосланган фикрларни кўриш мумкин.

Альберти каби Леонарда ва Винчи ҳам тасвирий санъатнинг асоси қаламтасвир деб ҳисоблаб, нарсанинг ўзига қараб тасвирлаш ўқитишнинг зарур қисми эканлигини таъкидлар эди. Ундан ташқари Леонардо да Винчи инсон аъзолари тузилишини анатом каби юксак даражада ўқиб ўрганган. Инсоннинг хат бир мушак тўқималарини ўрганиб, уларнинг тасвирларини чизиб қолдирган. Уйғониш даврининг уста рассомлари орасида қаламтасвир бажариш методларини такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланганлардан бири немис рассоми Альбертх Дюрер ва Шонлардир. Улар тасвирлашда перспективанинг асосий қонун – қоидалари устида кўплаб тажриба синовлар ўтказдилар. Рассом олимларнинг диққатига сазавор ишлардан яна бири инсон қоматининг нисбатларини ишлаб чиқиш ва уни кесик шакллар орқали акс эттириш методини ишлаб чиққанлигидир.

Уйғониш даври рассомлари жаҳон тасвирий санъатнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. Уларнинг тасвирий санъат бўйича ишлаб чиққан перспектива қонунлари кейинчалик ижодкор рассомларга мисли қурилмаган даражада ёрдам берди. Агар ўрта асрларда тасвирлаш методикаси буюмлар шаклу шамойилининг ўхшашлигини эътиборга олган ҳолда бажарилган бўлса, энди бу давр қаламтасвири илмий асосланган, анатомия қонунларини чуқур ўрганиш, перспектива қоидаларига тўла тўқис ҳисобга олиб акс эттирган ҳолда тасвирлаш методлари ривожланган давр бўлди. Юқорида таъкидланганидек уйғониш даври рассомлари расм чизиш методикасига катта ҳисса қўшдилар ва қаламтасвирни фан сифатида ривожланишига асос солдилар. Лекин, улар ўқитишнинг дидактик негизларига кам эътибор бердилар. Бу муҳим вазифани ХУI асрнинг охирига келиб турли давлатларда ташкил этилган бадиий академиялар давом эттириб, ҳал эта бошладилар.

XVII аср тасвирий санъатни ўқитиш методикаси қаламтасвирнинг фан сифатида тўла-тўқис унинг академик тарзда давом эттиши учун замин яратди. Академик қаламтасвирнинг педагогик амалиётда ўқитишнинг тизими дастлаб Флоренциядаги «Қаламтасвир академиясида» ишлаб чиқилди. Академик Каррачилир томонидан ташкил этилган Болониядаги ёш мусаввирларга куйидаги усулда сабоқ берганлар. Дастлаб қаламтасвир чизиш методлари,

конун-қоидалари билан танишган, сўнгра гипс намуналарини тасвирланган, шундан кейин инсон қиёфасини ўзига қараб расмини солган. Бу машўулотларда у инсоннинг анатомик тузилишларини ҳам чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлган.

Болония академиясида ўз даврида ёшларга бадиий таълим бериш борасида энг макбул ва намунали олий ўқув даргохи ҳисобланганлиги туфайли унинг методикасини давом эттириб 1648 йилда Париж қаламтасвир ва хайкалтарошлик бўйича қироллик академияси, 1660 йили Римда бадиий академия, 1696 йили Берлинда, 1753 йили Мадридда Сан-Фернандо, 1757 йили Питербург академияси, 1768 йили Лондон бадиий академияси ташкил этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат томонидан ташкил этилган академиялар билан бир қаторда хусусий санъат мактаблари ҳам мавжуд эди. Ўқув адабиётлари устахоналар билан тўлиқ таъминланган мактаблардан бири таниқли Фламанд рассоми Рубенснинг хусусий мактабидир. Рубенс ўз замонасининг йирик намоёнчаси эди. У буюк рангтасвир, қаламтасвир устаси бўлибгина қолмай, балки санъат асарларини юксак қадрлай биладиган олим-тадқиқотчи, давлат ва жамоат арбоби ҳамда шогирдларнинг меҳрибон устози бўлган. У юқори даражада маълумотли бўлиб, инглиз, испан, француз, италян, немис тилларида ёзиш ва сулашни мукаммал билган. Антик давр санъатини чуқур, ўз шогирдларида ўша даврда яратилган хайкалларни тўўридан-тўўри кўчириш эмас, балки ушбу намуналарни акс эттириш орқали инсон аъзоларини тасвирлашда илмий томондан ёндошишга даъват этган.

XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Франция бадиий мактабларининг ривожланган марказига айланди. Француз академияси бадиий таълим тарбия тизимига кўплаб янгиликлар олиб кирди. Айниқса у ерда академик қаламтасвир ишлаш борасида талайгина методик янгиликлар яратилгани маълум.

Қаламтасвир ва унинг ўқитилиш методларини ривожлантиришга машхур Француз рангтасвир устаси Дуи Давид ҳам катта ҳисса

кўшди. Тасвир бажаришда деб таъкидлар эди, у хар бир бўлак мукамал, аниқ ишланиш, шу билан бир қаторда ушбу қисм яхлит бир бутунликни ташкил этиш лозим. Инсон қоматини тасвирлашда авваламбор унинг ички тузилишини скелетини, чуқур ўрганиб, ташки қиёфасини чизишга ўргатар эди.

Қаламтасвир ўқитиш методларини ривожлантиришга ака-ука Александр ва Фернанд Дюпюилар ҳам катта хисса қўшдилар. 1835 йил улар Парижда ёш рассом ва хунармандлар учун бепул мактаб очиб, шогирдларга тасвирий санъат буйича сабоқ бердилар. Дикқатга сазовор жойи шундаки, ушбу мактабда ўқитишнинг методик босқичлари ўзига хосдир. Бу ерда бошқа санъат даргохларидан фарқли ўларок энг мураккаб бўлган инсон қоматини тасвирлашни мукамал урганиб булгандан кейин гипс нақш намуналарини чизишга утилган.

Ака-ука Дюпюиларнинг таъкидлашича, ўсимликлардан ташкил этилган нақш бўлаклари табиатнинг барча энг мураккаб шакллариини ўзида мужассамлаштирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хусусий академиялар янада кўпайиб борди. Баъзи академиялар кўп йиллар давомида тажриба ва синовлардан ўтиб, таълим беришда амалий жихатдан тўпланган тажрибаларни инкор этиш асосида қурилган эди. Ўқитувчи профессор ўзининг хусусий мактабини тарўйбот этиш мақсадида ўтмишда ташкил этилган ва мавжуд академияларни «Эскириб, бир ерда қотиб қолган» деб ҳисоблаб, кўп холларда ўзлари ёшларга ҳеч қандай тизимга эга бўлмаган усулда таълим берардилар.

Хусусий академияларга 40-50 га яқин ўқувчилар таклиф этилиб, уларни на курсларга ва на гуруҳларга бўлинмаган ҳолда машўулотлар олиб борилган. Машўулотлар қуйидагича тарзда эди: Катта хонанинг бир неча жойида натура қўйилган бўлиб, ўқувчилар ҳеч бир йўналишга эга бўлмаган ҳолда таҳсил олар эдилар. Дарс давомида ўқувчиларга эркинлик берилиб, улар хохлаган натурага қараб расм чизар эдилар. Кўп холларда у ёки бу вазифани бажариш учун аниқ мақсад қўйилмасди. Шуни таъкидлаш керакки,

хусусий тарзда ташкил этилган академиялар орасида ҳам аниқ йўналишларга эга бўлган ўқув даргохлари мавжуд бўлган: Жумладан венгер rassomi Шимон Холлоши (1857-1919) ва югослав педагог - rassomi Антон Ашбелар (1862-1905) мактаби диққатга сазавордир. Яхши йўлга қўйилган методика ва ўзига хос равишда тузилган дастурлар асосида ўқитиш тизими уларни бутун жахонга машхур қилган бўлиб, ушбу мактабдан ўнлаб истеъдодли rassomлар етишиб чиққанлар.

XIX асрнинг охирига келиб академик тарзда ўқитиш тизими ўз йўналиши жихатидан янги замон талабларига жавоб бера олмай қолди. Қисқа вақт ичида турли бадий оқимлар пайдо бўла бошлади. Неормрессионизм, кбизм, экспрессинизм, даизм, сюрреализм ва турли тармоқли оқимларнинг ўзаро зиддиятлари ўқитиш методикаси айниқса қаламтасвирнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Санъатшунослик академик тарзда ўқитиш тизимига қарши чикиб бундай шаклда таълим тарбия бериш ёшларнинг ижодий ривожланишига тўсқинлик қилади деб хисоблар эдилар. Тарихдан маълумки ўша даврда намоёиш этилган кўргазмалардаги бадий асарларнинг умумий маданият савияси уёқда турсин, уларда тасвирлашнинг оддий қонун-қоидаларига ҳам эътибор берилмаганлигини кўрамиз. XX асрнинг бошларига келиб Гарбий Европа ва Америка давлатларининг бадий мактаблари тўла инқирозга учради. Қаламтасвир ишлаш услублари ҳам кескин ўзгарди. Тасвирланажак намуна қиёфасини ноизчил ўрганиш, унинг тузилиш қонун-қоидаларини енгил-елпи эгаллаш оқибатида узоқ муддатли академик қаламтасвирлар ишлаш ўрни юксак кораламалар билан алмашди. Баъзи rassom-педагоглар эса ўз ўқувчиларига буюмлар шакллари хохлаганча бузиб тасвирлашга рухсат этдилар.

Бу хол собик совет тузуми давридаги ўқитиш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Академияларга антик даврга мансуб гипс хайкал намуналари йўқ қилинди, иқтидорли rassomлар томонидан яратилган академик ишлар барбод этилди. Натижада академик расм чизиш мустақил ўқув фани сифатида ўзининг кадрини йўқотди. Машўулотлар узбиларчилик

тарзида ўтказилди. Тасвирлаш учун буюм ва нарсаларни (қўйилмаларни) ўқувчилар педагогсиз ўзлари хоҳлаган тарзда ташкил этардилар. Вазифалар эса аниқ мақсадга қаратилмасдан енгил елпи бажарилар эди. Бу эса ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш имконини бермас эди. 1939 йилдан бошлаб собиқ иттифокнинг кўпгина йирик шаҳарларининг олий таълим тизимида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш бўлимлари ташкил этилди. 1942 йилдан бошлаб эса ушбу бўлимлар бадиий графика факультетларига айлантирилди. Ушбу ўқув даргоҳларида тасвирий санъат машғулотлари хусусан қаламтасвир – академик тарзда нарса ва буюмларни ҳаққоний қилиб ўхшатиб тасвирлаш йўлга қўйилгани билан эътиборлидир. Бунинг натижасида ёшларни турли хил формалистик оқимларга кириб кетмасликларига имконият пайдо булди. 1947 йилда эса собиқ иттифок бадиий академияси ташкил этилди. Унинг уша йили қабул қилинган қарорларига эса 1947-48 ўқув йилидан бошлаб барча бадиий – олий ўқув даргоҳлари биринчи курсларда гипсдан ишланган антик давр бош намуналари ва одам портрети, иккинчи курсларда эса инсон қомати ва гипс торс намуналари, учинчи курсларда инсон қоматининг турли мураккаб одатларини тасвирлаш, тўртинчи бешинчи курсларда эса 2-3 либоссиз гавданинг қаламтасвирини узоқ муддатда академик тасвирлаш вазифалари белгиланди.

Шундан сўнг собиқ иттифок республикаларининг Таллинн, Киев, Тбилиси шаҳарларида бадиий институт ташкил этилди. 1955 йили Низомий номидаги ТДПИ қошида ҳам Бадиий – графика факультети ташкил этилиб, турли йилларда иқтидорли рассом-педагоглар – Ўзбекистон халқ рассомлари М.Набиев, Н.Кузибоев, академиклар Р.Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари А.Бойматов, М.Саидов, доцентлар К.Эминов, Ю.Елизаров, Т.Огонесов, Н.Тен, Г.Абдурахмонов ва кўплаб йирик мутахассислар фаолият кўрсатадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайси даврда бўлишидан қатъий назар тасвирий санъатнинг ривожланган энг йирик чуққиси, уни илмий

асосланган, мукаммал ишлаб чиқилган методларида ҳамда назарий билимлар билан амалий фаолиятинининг уйғунлашган даврида ўз аксини топган.

Педагогика университетлари ва институтларида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда қаламтасвир асосий фан ҳисобланади. Қаламтасвирга оид назарий билимлар эса бўлажак ўқитувчи-рассом учун нихоятда зарур. Қаламтасвир чизиш қонун-қоидалари, ундаги иборалар, турли ашёлар билан ишлаш технологияси, инсон ва ҳайвонларнинг пластик анатомияси, ёруғ ва соялар, уларнинг буюм ва нарсалардаги кўринишлари: дарахт ва шох-шабаларнинг тузилиш хусусиятлари кабиларни ўқитувчи мутахассис ўқувчига методик босқичлардан фойдаланган ҳолда тўғри тасвирлашни ўргатиши ва илмий жихатдан атрофлича тушунтира олиши керак.

Кейинги вақтда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантиришга ҳукуматимиз катта эътибор бермоқда. Унга эса қаламтасвир машъулотлари юксак даражада олиб борилгандагина эришиш мумкин.

Буюк Микеланжело Буаноротти айтганидек: “Қаламтасвир - бошқача қилиб айтганда, чизгилар санъати, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморчиликнинг энг юқори нуқтаси қаламтасвир барча фанларнинг илдизи ва манбаидир”. Ушбу сўзлар 500 йил олдин айтилганига қарамасдан ҳозир ҳам қимматини йўқотмаган ва ўз исботини топмоқда.

2-маъруза. Инсон қиёфасини академик қаламтасвир усулда тасвирлашда методик изчилликка риоя қилиш.

Тасвирий санъатда инсон қиёфасини тасвирлаш қадимдан рассомларни ўзига жалб қилиб келган. Табиатда инсон энг мукаммал ва серқирра объект бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча бадиий ўқув даргоҳларида ҳам инсон қиёфаси, унинг портретини тасвирлашга кўплаб вақт ажратилади. Тирик моделни (яланўоч модель тасвирини) чизиш қийин

вазифа, уни бажариш учун рассомдан доимий машўулотлар давомида эгалланган малака талаб этилади.

Тирик моделдан расм чизишнинг қийин тарафи шундаки, бунда модель қимирламасдан, бир хил ҳолатда тура олмайди, яъни чизиш давомида у бир неча бор ўз ҳолатини ўзгартиради. Бошқа томондан тирик моделда кузатиладиган суяклар ва мушакларнинг яққол ажралиб туриши, уларнинг тузилиши, нисбати, вазифаси ва ҳаракат характери оидинлаштиришга имкон яратади. Бундан ташқари модель ўз ҳолатини ўзгартирганида, рассом ўз тасаввури ва хотирасига асосланиб чизишни давом эттириши керак. Бундай иш услуби жуда муҳим бўлиб, қаламлар ва эскизлар чизишда унинг аҳамияти каттадир.

Тирик инсон моделини (яланўоч инсон қиёфасини) чизиш машўулотларини ташкил этиш ва ундаги расм чизиш кетма-кетлиги гипсдан ишланган модель тасвирини ишлаш жараёни билан деярли бир хил. Модель таглик устида тахминан 40 см баландликда эркин ҳолатда, рассомга қараб, бир оёйига тиралиб – ушбу ҳолатда чап оёйига тиралиб туриши керак. Модель ҳолати Гудоннинг “Экорше”сини эслатади. Букилган чап қўл тана қисмининг орқа тарафида бўлиб, ўнг қўл эркин ҳолатда пастга осилиб турибди. Бу ерда чап оёқ оўйрлик марказидир. Ўнг оёқ эса чап оёққа нисбатан бироз олдинроқда жойлашган ва эркин ҳолатда турибди.

Моделга юқори-ён тарафдан кучсиз ёруўлик тушиши керак. Анатомик тузилиш бўйича тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун, моделдан узоқроқ масофада одам скелети ёки Гудоннинг “Экорше”сини жойлаштириш тавсия этилади. Бундан асосий мақсад, олдинги вазифада олинган билим ва малакаларни тирик одам расмини чизишда таққослаб нисбатлар ҳамда мускуллар тизимини янада аниқроқ тасаввур этишдан иборатдир.

Ўқувчилар бир-бирларидан энг камида модель бўйига бир баробар келадиган масофада, натурадан эса энг камида қоматнинг уч баробари даражасидаги масофада жойлашишлари керак. Бундай масофа уларга моделни бошдан оёйигача перспектив ўзгаришларда кўриш имконини беради.

Рассом тасвирнинг жойлашиш ўрни ва ўлчамларини – расм композициясини белгилайди. Модель позаси ва ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда, моделнинг умумий ҳолати ва модель массаси қалам билан енгил чизиб чиқилади.

Турган ҳолатдаги модель расмини чизишни дастлаб олд тарафдан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай ҳолатда расм чизиш тамойилларини очиб бериш анча осон кечади. Оё қости ва улар орасидаги масофа турган модельнинг таянч майдони бўлиб ҳисобланади. Оўирлик марказидан ўтувчи вертикал чизиқ таянч майдонидан ҳам ўтганда модель мувозанат ҳолатида тик турган деб ҳисобланади. Бундан шуни англашимиз мумкинки, одам оёқлари орасини кенгроқ очса, таянч майдони катталашади ва мустаҳкам мувозанатга эга бўлади.

Бир оёққа тиралиб турганда модель ҳолати оўирлик маркази бўйлаб туширилган вертикаль таянч оёқнинг товон қисмидан ёки унинг ёнидан ўтади. Яланўоч одам тасвири чизилганда модель модельсининг ҳолати ана шундай бўлиши лозим.

Расм чизишнинг дастлабки босқичида ҳаракат ҳолати ва асосий нисбатларни кўрсатган ҳолда, бутун моделни умумий кўринишини ёрдамчи чизиқларда тасвирлаш муҳимдир. Тасвирий санъат қонун ва қоидаларидан бизга маълумки, табиатдаги барча шакллар геометрик сиртларга ўхшаш шакллар таркибига асосланади шунинг учун ҳам ушбу ҳолатга мисол тариқасида Дюрер томонидан геометрик шаклларга асосланиб ишланган расмни келтиришимиз мумкин.

Бу ерда модель ҳаракати яққол кўзга ташланади. Елка камари тосга нисбатан деярли тўўри бурчак бўйича бурилган, бош орқага қайрилган. Янада ойдинлик киритиш мақсадида, А.Дюрер кўкрак қафасини геометрик шакл асосида, перспектив ўзгаришларни кўрсатиб, схематик тарзда тасвирлаган. Оўирлик марказидан подиум юзасидаги кесишиш нуқтасигача вертикал чизиқ чизилади. Ушбу нуқтага асосланиб икки товоннинг ўзаро жойлашувини излаш керак. Ҳар бир оёқ жойлашадиган жой товон узунлиги даражасида белгиланади. Катта ошиқдан (соннинг тос билан бирлашган

қисми) пастга, оёқ жойлашадиган жой маркази томон тана тиралган оёқнинг умумий йўналишини кўрсатувчи тўўри чизик чизилади; иккинчи соннинг катта ошиўидан эркин турган оёқнинг аввал тиззагача бўлган қисми, кейин эса товон марказигача бўлган қисми чизик билан белгиланади.

Оўирлик марказидан ўтувчи ва расмда белгиланган бошнинг юқори қисмигача давом этувчи вертикал чизикнинг умумий узунлиги модель баландлигини ташкил этади. Торс эркин ҳолатда турганида оўирлик марказидан туширилган вертикаль ярем чуқурчасидан ўтади. ҳосил бўлган умумий вертикал чизикқа тананинг қуйидаги алоҳида қисмлари чегараларини кўрсатувчи белгилар чизилади: оёқ, кўкрак ва бош ўлчамини кўрсатувчи белгилар. Бу ерда бошнинг ўрта чизиўи ориентир қилиб олинади ва бош ҳолати овал шакл билан белгиланади; шу усул билан бошнинг бурилиш даражаси ва ҳаракати аниқланади. Ишнинг мазкур босқичида расмнинг образли характериға таъсир қилувчи модельнинг юқори, ўрта, пастки қисми нисбатларига тўхталиб, педагог рассомларға баланд, ўрта ва паст бўйли одамларда бошнинг бутун тана узунлигига нисбати қандай бўлишини, шунингдек эркак, аёл ва ёш бола қоматлари нисбатлари ўртасидаги фарқларни тушунтириб бериши керак.

Бош баландлиги ва ярем чуқурчасининг жойлашуви бутун модель баландлигига нисбатан белгилангандан сўнг, енгил чизиклар билан ўмров суяклари йўналиши чизилади.

Сўнгра модельнинг ярем чуқурчасидан тўш суягининг ҳанжарсимон ўсиўи, ундан киндик ва расмдаги асосий ўзгармас нукталардан бири бўлган тос суягининг бошланўич қисми - ёнбош суяк томон чўзилган шартли ўрта чизик аниқланади.

Расмға кўкрак сўрўичларидан ўтувчи горизонтал чизик чизилади; кейин тос суяқларининг қирраларидан чизик ўтказилади ва шу йўл билан тоснинг горизонтал чизикқа нисбатан қиялик даражаси аниқланади.

Иккита оёққа тиралиб турган модель ҳолатида тос горизонтал ҳолатда бўлади. Тананинг барча оўирлигини бир оёққа ўтказилганида, тос оўирлик

тушмаган оёқ томонга эгилади. Тоснинг юқори қисми чизиёи ёнбош суякнинг кўриниб турган кирраларига асосланиб белгиланади.

Кейин икки сон суяги бошчалари ўртасидаги чизик белгиланади. Тана оўирлигини кўрсатиб турган соннинг тос билан бирлашган бошчаси аниқ кўриниб туради; иккинчи оёқнинг сон бошчасининг жойлашиш ўрни ўзгарганлиги туфайли, унинг ўрнида чуқурча ҳосил бўлади. Икки сон бошчалари ўртасидаги чизикқа параллел равишда, расмда штрихлаб кўйилган тоснинг юқори қисмидан ўтувчи, чизик белгиланади.

Тос чизиёига параллел равишда икки оёқнинг тизза қопқоқларидан ўтувчи чизикчизилади (сон бошчаси ва тўпиқ ўртасида). Бундай усулда чизилган белгилар вертикал чизикбўйича модель нисбатларини аниқлашга ёрдам беради.

Модельнинг асосий қисмлари кенглиги - тосдан товонгача ва тосдан бошнинг юқори чегарасигача бўлган қисми штрихлар ёрдамида ойдинлаштирилади. Икки оёқнинг ён томонлари ва тос, торс, елка, қўл, бўйин ва бош ҳам штрихлар билан чизиб чиқилади.

Ишнинг кейинги босқичида ўчирёич билан ёрдамчи чизиклар ва тасвирланган модель ичидаги барча белгиланган ёрдамчи чизиклар ўчирилади ва тасвирнинг ўлчами ва чегаралари натура билан яна бир маротаба солиштириб текширилади. Бунинг учун дастлаб тасвир ҳажмини кўрсатиб берувчи асосий соя ва тус муносабатлари расмда акс эттирилади ва натижада нисбатларни тўўрилаш ва контурларга штрих билан аниқлик киритиш имкони пайдо бўлади. Бунда модельнинг торс ва бошдан бошлаб, оёқ ва қўлгача бўлган қисмлари устида иш олиб борилади. Оёқ-қўлнинг – елка, тирсак, тиззаларнинг букилган жойларига штрихлар ёрдамида ёруё-соя ёрдамида тус берилади.

Қўл кафтлари ва товонлар биргаликда ишланади, модель тасвири штрихлар билан ишланади ва шакл ҳажми ёруёлик-соя муносабатлари асосида кўрсатилади.

Ўқув машқни бажариш давомида қаламни ботириб чизиш мумкин эмас, чунки хатоларни тузатишда расм қорайиб кетади ва тасвир яхлитлиги

бузилади. Яланўоч модель расмини чизиш босқичлари ва унинг қисмларни умумлаштириш.

3-маъруза. Бадий таълимда қаламчизгиларнинг аҳамияти.

Қисқа муддатли ўқув ва хомаки расмлар чизиш.

Хомаки расм – одатда қисқа, баъзан эса жуда қисқа ва ўта чекланган вақт давомида, кўп ҳолларда расм чизувчининг ўзига боқлиқ бўлмаган ҳолатларда бажариладиган предмет дунёсининг умумлаштирилган тўлиқсиз тасвиридир. Бунда ишни тезлаштириш мақсадида энг кам график воситалардан фойдаланилади.

Мураккаб шаклни фақат унинг асосий, майда икир - чикирларсиз типик ва ўзига хос аломатлари аниқ ва ифодали тарзда ҳал этиладиган предмет дунёсининг реалистик тасвирини умулаштирилган, деб ҳисобламоқ керак. Шунинг учун ҳам хомаки расм кўп ҳолларда "яхлит, кўзга кўриниб турган предметнинг қисм, бўлакчаларсиз тасвири билан белгиланади".

Хомаки расмлар академик вазифани бошлашдан аввал ўқув расмини композиция жиҳатидан жойлаштиришда ҳар доим ҳам натуранинг умулаштирилган тасвиридан, яъни аслини олганда, хомаки расмдан фойдаланилади. Шунинг учун ўқув муассасаларида педагоглар академик расмни бошлашдан аввал ўқувчиларга натурани турли нуқталардан туриб қаламчизгилар бажаришни ва шундан сўнг керакли жойни танлаб олгандан сўнг асосий ишга киришишни маслаҳат берадилар. Чунки, хомаки расм мувоффақият билан топилганда натуранинг бутун массаси жойланиши давомли ўқув расмининг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Чизги – хомаки расмга нисбатан анча тўлиқ ҳисобданади. Лекин баъзи ҳолларда у давомли ўқув расмига қараганда анча қисқа вақт оралиқида натурадан бажариладиган предмет дунёсининг мукамал бўлмаган тасвири ҳамдир. Чизги устида ишлаш вақтини одатда расм чизувчининг ўзи белгилайдики, бу ушбу расм мазмуни, шунингдек унинг кейинчалик амалга ошадиган мақсадига кўядиган талабларига боқлиқдир.

Натурадаги чизиладиган чизги худди хомаки расмнинг деталлар билан бойитиш кабидир. Натуранинг қай ҳолда юзага чиқарилишига қараб чизги хомаки расм билан давомли расм ўртасидаги оралиқ бир восита бўлиб қолади. Бошқача сўз билан айтадиган бўлсак, натурадан чизилган хомаки расм ишида ўша натурадан давом эттирилган иш секин-аста чизгига айланиши мумкинки, бунда расм икир-чикирларига батафсилроқ тўхталади.

Хомаки расм билан чизги ўртасидаги фарқ у ёки бу расмни чизиш учун сарфланадиган вақтдангина эмас, балки асосан иш усулининг ўзидан ҳам иборатдир. Чизги бошидан охиригача натурадан чизиш орқали бажарилади. Хомаки эса нафақат натурадан, балки хотирадан, тасаввурдан, идрокдан, шунингдек, барча усулларни ҳам қўллаб чизилиши мумкин.

Хомаки расмлар ижросининг айнан шу ҳилдаги усуллари кейинчалик нафақат умуман расм чизишга ўргатиш, балки юқорида айтиб ўтилган бўлажак рассом учун зарур бўлган сифатлар йиқиндисини тарбиялашда ҳам катта аҳамият касб этади.

Хомаки расм ва чизгиларга ўргатишда натура сифатида худди давомли расм чизишда қўлланиладиган шаклан яқин бўлган (ёки мазмунан шу каби) объектлардан фойдаланилади: 1) «ўлик» (тирик бўлмаган) натура, (натюрморт) 2) ўсимликлар, 3) ҳайвонлар, 4) инсон.

Таълим услубиётини қисқа муддатли расмларда қуриш учун, яъни ўқув машғулотлари изчиллиги ва мазмуни ва уларни ҳал қилиш усуллариини белгилаб олиш учун ҳар хил хомаки расмлар ижросининг ўзига хос хусусиятларини тушуниб етиш керак, ва биринчи навбатда, қисқа муддатли расмлар ижроси билан (хомаки ва чизгилар) давомли расмлар ижроси усулларида ўртасидаги фарқ нимадан иборат эканлигини билиб олиш зарур.

Хомаки расмлар ва уларни бажариш усуллари.

Идрок этишнинг «Умумийликдан хусусийликка ва хусусийликдан умумийликка» тасвирлаш усули таълим жараёнида босқичлар бўйича давомли ўқув расмини бажаришда ўз тасдиғини топади.

Тасвирланаётган предмет шаклини умулаштирилишининг сўнги якуний босқичи - қоўозга туширилган нарсани яхлит бирликка йиғиш ва бирлаштиришдан бутун расм бўйлаб аниқлик киритиш ва нур соя нисбатларини битта яхлитликка келтириш, яъни тасвирланаётган шакл ва ана шу шакл турган кенгликни туташтиришдан иборатдир.

Натурадан унинг ўзига хос хусусиятлари билан қисқагина хомаки расм чизиб олиш асосан тез кўриш ва идрок қила билиш қобилиятларини ўстириш учун мўлжалланади.

Кузатиш, идрок қилиш ва хомаки расмни ижро этишлар кўп ҳолларда бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Шунинг учун хомаки расм устида ишлашнинг якуний босқичи сифатида умумлаштириш ҳақида алоҳида гапиришга тўғри келмайди.

Хомаки расмлар чизишда фойдаланиладиган усулларни фарқлаш хомакиларнинг олтита турини белгилаб олиш имконини беради. Хомаки расмлар ва уларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

- натурани кузатган ҳолда ундан бошидан охиригача бевосита ижро этиладиган хомаки расмлар;

- комбинация усули (дастлаб натурадан кузатиб, кейинчалик натурасиз – хотира бўйича) билан ижро этиладиган хомаки расмлар;

- фақат хотирадан бажариладиган, яъни кузатишдан кейин бирор вақт ўтгандан сўнг, онгда кўриш қобилияти мустхкамланганидан кейин чизиладиган хомаки расмлар;

- инсонинг аввал онгида қабул қилинган баъзи предметлар, тирик объектлар ва атроф-борлиқ ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларни жонлантириш қобилияти билан боўлиқ тасаввурлар бўйича ишланадиган хомаки расмлар;

- комплекс усул билан, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма иш усулларини, жумладан тасаввур бўйича усулларини қўллаган ҳолда бажариладиган хомаки расмлар;

-ҳаёлга келтириш бўйича – бирор-бир ижодий фикр ёки бадиий образ, мавзу, сюжет ва хоказо предмет ва ҳодисалар ҳақида ўз тасаввурларини жонлантириб тиклаш асосида дастлабки умумлашган тасвирнинг хомаки расмлари чизиш.

Хомаки расмларнинг иккинчи, учинчи ва бешинчи турлари битта умумий аломатлар билан бирлашади, чунончи: хомаки расм чизиш билан бир ваўтда содир бўладиган ёки хомаки расм чизишдан сал олдин бўладиган натурани анча юзаки ва тез кузатиш билан юзага келадиган мажбурий аломат билан.

Агар бунда ижро вақти чекланмаса, у ҳолда бундай натурадан чизиладиган хомаки расм чизгига айланиб қолиши мумкин.

Бу шарт-шароитлардан биттаси-натурани кузатиш ва хомаки расм ижроси учун вақтнинг чекланганлиги ёки чекланмаганлигидир. Бу ўз навбатида натуранинг кўзўалмаслиги ёки кўзўалиш даражаси (ҳаракат тезлигига)га боқлиқ бўлади. Бошқача айтадиган бўлсак, хомаки расм чизиш усулига энг аввало иккита омил таъсир қилади: вақт ва натуранинг ҳолати.

Бу ўзаро бир-бирига боўлиқ омиллардан ташқари ижрочи ва унинг ишлаш қобилиятига (бинобарин, хомаки расмдаги тасвир характери ва сифати) шунингдек ташқи объектив шарт-шароитлар ҳам таъсир қиладики, уларга расм чизувчи мослашиши керак бўлади (синф, ҳона ёки кўча, ишлаб чиқариш ёки транспорт, жамоа жойи, спорт майдончаси, йўлка, сайилгоҳ ва хоказолар).

Натурадан кузатиш бўйича хомаки расм чизиш фақат битта шарт билангина, яъни натура умуман кўзўалмас, ҳаракатсиз тургандагина бошидан охиригача бажарилиши мумкин.

Бундай қиёфа натура энг аввало, сўзсиз жонсиз предмет (масалан, санъат асарлари, ҳайкалтарошлик асарлари, меъморчилик иншоотлари, безаклар, сабзавот, мева, гул, дарахтлар, баъзи манзара турлари, шунингдек махсус қиёфа учун турган модель (инсон ҳам) бўлиши мумкин.

Хомаки расмнинг мақсади натурани тўлиқсиз умумлаштирилган кўринишини акс эттиришдан иборат бўлгани учун рассом нисбатан анча

бамайлихотир ишлайди. Агар мақсад амалга ошган бўлса-ю натура ҳали кимирламай турган бўлса, у ҳолда хомакиликдан чизгига (лавҳага) ўтиш мумкин. Бунда хатто қоқоз четига қўшимча, натуранинг баъзи бўлакларини анча батафсилроқ чизгиларини ҳам чиқарса бўлади (албатта, бунга зарурат туўилса). Бунда: ҳолатда вақт омили иш характериға ижобий таъсир кўрсатади.

Агар натуранинг қўзўалмаслиги шартли ва тасодиф бўлса, баъзи ҳолларда у вақтинчалик бўлса, яъни натура исталган пайтда, расм чизувчи учун ноъмалум бир сонияда ўз ҳолатини, юз қиёфасини, имо-ишорасини ўзгартириб қолса ва хатто нуқтаи назардан умуман йўқолиб қолса у ҳолда натурадан хомаки расм чизишда иш характери жиддий тарзда ўзгаради. Бундай ҳолат тасодфларға қуйидагиларни келтириш мумкин: сайлгоҳ ўриндиўида ўтирган киши ўрнидан туриб кетса, ёҳуд жимгина ётган ит бирданиға акиллай бошласа ушбу ҳолат хомаки расмини чизаётганда содир бўлиши мумкин.

Пейзаж хомаки расмини (ёки чизгини) чизаётганда об-ҳаво ёки ёритилиш ҳолати ўзгармаслигига ишонч ҳосил қилиш керак эмас. Чунки, бирдан шамол туриб қолиши, текис сув юзасини тўлқинлар, осмонни тўсатдан қора булутлар қоплаши мумкин).

Табиатда тирик натура рассом устахонисидаги каби ёки синфдаги ўқув иши каби бир маромда турмайди. У ўз ҳаётида давом этади ва унинг табиий, вақтинча қўзўалмай туриши дарҳол, баъзида эса кутилмаганда акс ҳолат касб этиб қолиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, айнан тирик модельнинг бундай қўзқалмас шартлари, яъни тинч, бамайлихотир қиёфа рассомнинг кузатувчан кўзлари учун энг қимматлидир. Аксинча, бир хил ҳолатда махсус турган тирик модель доимо ўз ифодалилигини йўқотади, чунки ҳар қандай ҳолатда ҳам сунъийлик мавжуд бўлади. Бунинг устиға ўша сизға қараб турган сиймо ҳам оҳир-оқибат чарчайди, бу эса унинг қиёфасига таъсир этмасдан қолмайди.

Шунинг учун ҳам хомаки расмда қўзқалмас тирик модельни муҳрлаб қўйиш учун рассом доимо шай туриши лозим. Ишлаш учун мавжуд вақт

давомида кузатиш ва хомаки расмни бажариш учун ҳар бир дақиқа, хатто ҳар бир сониядан унумли фойдаланиб қолиш зарур бўлади. Шунинг учун уста рассомлар хомаки расмларни ишлашда "қисқа", "жуда тез", "бир нигоҳда", "яшин тезлигида", "бир зумда" тасвирлаш каби сўзларни ишлатишлари ҳам бежиз эмас.

Хомаки расм чизишнинг муайян мақсади кузатиш натижасини бир зумда қоқозга акс эттиришдир.

Синфдаги машғулотларда, айниқса хомаки расм чизишга ўргатилаётган дастлабки пайтларда ўқувчилар кузатишга ҳам, расм ижроси учун ҳам доимо етарли вақтга эга бўладилар.

Лекин синфдан ташқари пайтда хомаки расм устида ишлаш, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам кузатиш, ҳам чизиш пайтида (хатто муҳим турган натура устида ишланаётганда ҳам) тўсатдан узилиб қолиши мумкин. Баъзан рассом тезроқ ўз олдига қўйган мақсадга эришиши, бир варақча натуранинг типик ҳамда характерли хусусиятларини дарҳол акс эттира қолишга ҳаракат қилади. Кузатиш вақти ижро вақтига тўўри келиб қолади. Ана шундай ҳолатда натурани кўриш идроки билан, ижро этиш кескинлашади. Яъни эътиборни чалўитмай туриб майда, иккинчи даражали икир-чикирларга берилмай, дарҳол предметнинг энг асосий зарур томонларини илўаб олишга, энг оддий воситалардан минимал даражада фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Энг аввало, бир нечта ишончли чизгилар билан, (ёки тус берувчи доўлар билан) бўлажак тасвирнинг ўрни ва ўлчамини- унинг абрисини белгилаб олиш зарур. Ана шунга қараб асосий қисмлари, конструкция ва ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда натуранинг бутун массасини тушуриб олиш керак.

Агар натура ўз кўзўалмас ҳолатини сақлаб турган бўлса, дарҳол белгиланган фикрларни деталлаштиришга киришмоқ, энг асосий, характерли хусусиятларни тезроқ илўаб олмоқ зарур.

Комбинациялашган (дастлаб натурадан, кейинчалик хотира бўйича) хомаки расмлар чизиш.

Натура ҳаракатига кела бошлаши, ўз ҳолатини ўзгартира бориши билан ва рассом кўздан из қола бошлаши билан ана шу хомаки расмни ниҳоясига етказиш учун хотирадан кўриш қобилиятингизни ишга солиши тўўри келади.

Натурадан бошланиб, сўнгра унинг иштирокисиз хотирада тугалланган хомаки расм "Комбинациялашган" ҳисобланади.

Кузатиш вақтининг қисқариши энда хомаки расм устида ишлашни ҳам мураккаблаштиради ва хотирага зўр беришни талаб қилади. Бундай ҳолатлар амалиётда жуда кўп учрайди.

Хотирадан чизиладиган хомаки расм чизиш.

Узлуксиз, доимий ҳаракатда бўлаётган натура ҳолатини бри зумда акс эттириш анча мушкул. Бундай пайтда ҳаммасини бирдан назардан қочирмай илўаб олиш ва дарҳол, ҳеч кечиктирмай хотирангизга муҳрланганни қоўозга тушириш зарур. Ана шунда хотирага муҳрланган кўриниш ўз "янгилигини" йўқотмайди. Бунга мисол қилиб олдингиздан тез югуриб ўтаётган ёки тўсиқлар оша сакраб югураётган спортчини кўришимиз мумкин. Бундай вазифани уддалаш амалда мумкин. Бунинг учун ўта тез, бир нигоҳда ҳаракатдаги ифодани илўаб олиш керак бўлади (масалан, югуриб бораётган спортчининг гавдаси, оёқлари бош ва қўллари ҳаракати). Лекин бу ўринда хомаки бажарилган чизикларни бир ерга тўплаш, яъни компоновкалашни унутмаслик керак.

Кўриш қобилияти кучли бўлганда, жуда қисқа баъзан эса бир сонияда хотирага муҳрланадиган деталларни ҳам умумлаштириб юзага чиқариш мумкин.

Ана шу тарзда ижро этилган хомаки расм худди қоқозга муҳрланган хотира каби бўлади. Бундан кейинги энди унинг вазифаси-кўрилган нарса ҳақида эслатишдан бўлак нарса эмас.

Бундай хомаки расмларга тузатиш ва қўшимчалар киритиш фақат бояги спортчининг ҳаракати такрорлангандагина (деярли бир хил ҳаракат), яна хотирага олиш йўли билан бажарилади.

Фақат кўриб хотирада сақлаш қобилиятига таянган ҳолда хомаки расм устида ишлаш зарурати фақат ташқи шарт –шароитлар кузатиш имконини

берадиган вазиятлардагина туўилади. Масалан: шаҳар транспортида сизнинг қарашингизда ўтирган йўловчининг боши сиз ўйлаб қўйган картина персонажига ўхшайди ва сиз анчадан бери қидириб юрган объектингиз чиқиб қолади. Уни натурадан чизишнинг иложи йўқ, чунки у ўз нигоҳини олиб қочиши, бошини буриши ёки қиёфасини ўзгартириши, шунингдек транспортдаги вазият тўўридан тўўри натурадан чизиш имконини бермаслиги мумкин ва хоказо.

Сиз ўз олдингизга қўйган вазифаларни ҳал қилиш учун бошқа йўлни танлашингизга тўғри келади. Бунинг учун кўриш қобилятингизни ишга соласиз: натурангизга сездирмай уни кузатасиз, ўрганасиз, характерли ўзига хос хусусиятларини (айниқса ундаги ажралиб турадиган характерли хусусиятларини) эслаб қолишга ҳаракат қиласиз. Йўловчи ўз бекатида тушиб кетди. Шунда дарҳол, ҳеч ҳам кечиктирмай чўнтак альбомингизни олиб (акс ҳолда хотирангиздан кўтарилиб кетиши мумкин) ўша йўловчи ҳолатини қандай эслаб қолган бўлсангиз, шундайлигича хотирадан хомаки расмини чизиб оласиз.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин рассом кўриш хотирасини ривожлантириши учун ҳаракатдаги одам, айнақса ўз характери ва ҳаракатланиши тезлиги ҳар хил бўлган бир гуруҳ одамларга қараб хомаки расмлар чизишни талаб этади. (масалан, баскетбол, футбол, хоккей каби спорт ўйинлари вақтида, ҳайвонот боўидаги ҳайвонларга қараб хомаки расмлар чизиш фойдадан холи эмас.

Шуни назарда тутиш керакки, кузатиш натижасида эсда қоладиган образнинг сифатига, унинг барқарорлигига кўплаб сабаб ва вазиятлар таъсир қилади. (идрок қилишнинг такрорланиши, кузатиш фаоллиги ва тезлиги, шунингдек, зарурат туқилганда кўрилган нарсани эслаб қолиш қатъийлиги). Айнақса қисман бирор ҳолатда (ёки схематик кўринишда) натурадан қоқозга туширилган чизгини диққат билан кузатган ва ўрганилган нарса хотирада яхши сақланиб қолади. Кўр-кўрона, ҳеч қандай таҳлилсиз, фақат кўчириб қўя қолинган нарса одатда хотирада узоқ сақланмайди.

Тасаввур қилиб хомаки расм ишлаш.

Тасаввурда хомаки расм чизиш натурани бевосита кузатиш билан боқлиқ эмас. У аввал идрок қилинган, предмет олами ва онгда муҳрланиб қолган ҳодисалар асосидагина ижро этилади. Идрокка (қабул қилишга) нисбатан тасаввур янада умумийроқ характерга эга. Уларда тафсилот камроқ бўлади ва фақат предмет ва ҳодисаларнинг асосий хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам тасаввурда чизилган хомаки расм "ўзидан чиқариб" иборасига яқин ва ўзининг мантикийлиги, билан бевосита натурага қараб чизилган хомаки расмдан фарқ қилади.

Тасаввурда расм чизаётган киши уни қамраб турган вақт ва натура ҳолати каби омиллардан холи бўлади. У бамайлихотир, бутун диққат-эътиборини хомаки расмга қаратиб ишлаши, зарур ифода ва тасвирнинг ишончлигига эришган ҳолда фаолият кўрсатиши мумкин.

Энг оддий вазифа – полда турган оддий стул расмини тасаввурда чизиш масаласини ҳал қилиш учун у ана шу стулнинг шаклини, унинг конструкциясини ва асосий ўлчам нисбатларини эслай олиш лозим.

Хўш, қаердадир юқорида ва пастки нуктаи назардан кўринадиган худди ана шу стул қандай кўринишига эга бўлади? Предмет шаклининг қурилиши қанча мураккаб бўлса, маълумки, уни "ўзидан чиқариб" тасаввурда чизиш ҳам шунчалик қийин кечади.

Расм чизувчи онгида (тасаввурида) предметнинг кенгликдаги образини тиклаш вазифаси туради. Бундай тиклаш жараёни нафақат предмет шакли ҳақидаги тасаввурни, балки унинг қурилиши, нисбатлари, ҳаракат йўнилиши ва тезлиги каби бошқа кенгликдаги нисбатларини ҳам ўз ичига олади.

Масалан, агар одам қадди-қомати каби мураккаб тирик шаклнинг натурасиз, ўзидан чиқариб хомаки расмини (айтайлик бўлажак картина эскизи учун) умумлашган ҳолда чизадиган бўлсак, бунинг устига бу тасаввурдаги натурамиз тез ҳаракатда, бурилишда ёки бошқа ҳолатда (айтайлик, чўққидан тезликда тушиб келаётган чанўйичи) бўлса-вазифа анча мураккаблашади.

Хомаки расм ижросидаги олдин хотирада тасвир образини, унинг қурилишини тасаввур қилиш, умуман ушбу шакл маълум нуктаи назардан

қоўозга қандай ўлчамни эгаллашини кўз олдимизга келтиришимиз керак бўлади. Фақат шундан кейингина, одамнинг пластик анатомиясини ҳақидаги билимларни хотирага олиб, "ўзимиздан чиқариб" бир варақ қоўозга ҳаракат қаламсини белгилаб олгандан кейингина, бунинг устига гавда, бош, оёқ-қўллар нисбати, уларнинг ўлчамларини, ҳаракат пайтида қисқариш пропорцияларини, ёритилиш ҳолатини ҳисобга олган ҳолда чизишни бошлаш мумкин.

Маълумки, инсон қадди-қоматининг "ўзидан чиқариб" хомаки расмини чизиш фақат инсон танасининг қурилиши ҳақидаги билимлар етарли бўлган тақдирдагина яхши амалга ошиши мумкин. Бундай билим ва кўникма эса фақат инсон танасини доимий кузатиш ва натура ҳамда тасаввур ва хотирадан қисқа чизгилар чизиш, шунингдек ялонўоч ва кийимдаги моделлардан мунтазам равишда фойдаланиш билангина эришиш мумкин.

Шунингдек, инсон танасининг бош, қўл, оёқ кафти суяклари каби мураккаб қисмларидан қилинган машқлар ҳам яхши натижалар беради.

Ҳар қандай ҳолатдаги ва тез ҳаракатланаётган инсон танасини "ўзидан чиқариб"(натурасиз) эркин ва ифодали тасвирлай билиш фақат инсоннинг пластик анатомиясини, биринчи навбатда, скелет қурилиши ва скелет механизми ҳаракатларини яхши билиш натижасида "натурадан" ва "хотирадин" қилинган хомаки расмларда машқ ва янада кўпроқ машқ оқибатида юзага келади.

Тасавурда қилинган ўқув хомаки расмлар инсоннинг ҳар хил ҳолатларда, яъни ҳаракатсиз ва ҳаракатланаётган ҳолатларини тасвирлаш малакаларининг тўлдирилишига катта таъсир кўрсатади.

Хомаки расмларни тасавурда бажаришга ўргатишга давомли ўқув вазифаларидаги ўтилган мавзуларнинг ўзлаштирилишини текшириб кўриш учун ёрдамчи машқларга кўп ўрин ажратилади.

Бундай тасаввур бўйича хомаки расмлар чизишнинг текширув машқлари ўқувчиларда "ўзидан чиқариб" ишонч билан чизишда муҳим қобилиятни ривожлантиришга сўзсиз кўмак беради. Айниқса бу ҳол мақсад

қилиб қўйилган янги ва янги қирралар тобора мураккаблашиб борганда яққол кўзга ташланади.

Тасвирий санъатнинг ҳамма тур ва жанрларида тасаввурда хомаки расм чизишнинг асосий вазифаси – бадиий образ яратиш ишида туртки бўладиган кўмак, ёрдам кўрсатишдир.

Натурасиз ишланадиган хомаки расмлар (яъни "ўзидан чиқариб") мураккаб ижодий фикрни юзага чиқариш учун энг қулай техник восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тасвирий санъатга ўргатишда тасаввурда хомаки расмлар чизиш борасида ўқув дала амалиётларининг аҳамияти каттадир.

Комплекс хомаки расмлар (барча усулларни қўллаган ҳолда).

Энг сўнги ва энг мураккаб ўқув хомаки расмлар тури бу – комплекс усулда бажариладиган, яъни юқорида кўрсатиб ўтилган усулларни ҳаммасидан қисман фойдаланган ҳолда (натурадан, комбинациялашган ёки дастлаб натурадан, кейин хотирадан, шунингдек фақат хотирадан ва тасаввурдан) ижро этиладиган хомаки расмлардир.

Комплекс усулни қўллаш зарурати асосан кўпгина бир вақтнинг ўзида ҳаракатланаётган объектлардан хомаки расм чизишда пайдо бўлади. Бинобарин, бир гуруҳ одамлар, айниқса хомаки расмда гуруҳни ташкил этадиган одамларнинг ўзаро жойлашувини хомаки расмда қидириш ва ўз ўрнига қўйишда бу усулга мурожаат этилади.

Комплекс хомаки расм чизишга ўргатиш расм дарсларида ўтказилади. Лекин амалиётда у "Композиция" ўқув курсида кўпроқ қўлланилади. Шунинг учун ҳам бу хомаки расмларни шартли равишда "Композицион" деб аташ ҳам мумкин. ўз ижро усулига қараб улар у ёки бу ҳолатда натурани кузатиш билан боқлиқдир. Шунинг учун уларни ҳаёлан ижро этиладиган бадиий образнинг композицион ечими- хомаки –эскизлар билан чалкаштириш керак эмас.

Ҳаёлан хомаки расмлар чизиш.

Ҳаёлан хомаки расмлар чизиш-бу жуда умумлашган хомаки расм – эскиз бўлиб, унда бадий тасаввурнинг муайян график натижаси сифатида пайдо бўладиган бадий образ гавдаланади.

Рассом ҳаёлот объектив борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги олинган тасаввурлари ва ундаги идрок этиш заҳирасига асослангандир. Рассом ўз хоҳишига қараб бу тасаввурларни қайта ва қайта шакллантириб, уларни комбинациялаб, улар ўртасида боўланиш ясаб ёки уларни бир-бирига зид қўйиб бадий образнинг бир бутунлигига, максимал даражада ифодалилигига эришади.

Тасаввурларнинг ўзи етарли даражада умумлашган бўлганлиги сабабли ҳам ҳаёлот кучи билан қайта ишланган хотиротлар идрок этиш объектидан анча узоқлашади, лекин шу билан бирга у ўзининг реалистик тасвир учун зарур бўлган аломатларни сақлаб қолади.

Тасаввур қилинг, бир-бири билан ягона ҳаракат ёки бирор оддий сюжетда ифодаланган мазмун билан боқлиқ икки кишини "ўздан чиқариб" (тасаввурда) тасвирлашдек оддий вазифа ҳам тасаввур қилиш, ҳаёлотга берилишни талаб этади.

Мазмуннинг маъно ва моҳиятига чуқур таъсир қиладиган, яъни тасвир ифодасига таъсир қиладиган икки шаклнинг ўзаро жойлашуви ва ички боқланиши каби жуда кўплаб ҳар хил вариантлар туқилиши мумкин.

Энг яхши вариантни қидириб топишда уларни ўзаро бир-бири билан таққослаш зарур бўлади.

Рассом ўзи ўйлаб қўйган ижодий фикри учун муайян ёрқин жавоб олиши керак бўлса, хомаки расмнинг асосий аломатлари–унинг умумийлашгани, мантикий жиҳатдан тўқрилиги кабилар катта аҳамият касб этиб қоладики, улар ташқаридан қараганда гўё тугалсиздек кўринади. Ваҳоланки айнан ана шу тугалсизлик бадий тасаввурнинг кейинги фаолиятига кўпроқ туртки бўлади, муаллифни кўпроқ ифодаликка ундайди.

Тугалланмаган хомаки расм топилган ечимга дастлабки фикрга мувофиқ тез ва яққол ишонч ҳосил қилиш, унчалик қийинчиликсиз яхшилаш томонга қаратилган ўзгартиришлар киритиш имконини беради. Бунда

киритиладиган ўзгаритиришларни аввалги вариатларидаги билан солиштириш учун айнан ана шу хомаки расмга киритиш ҳам мумкин бўлади. Ниҳоясига етказилган расмдаги бирор қисмни техник жиҳатдан ўзгартириш, қўл ёки оёқни бироз бўлсада суриш, тана ёки бошни бирор томонга буриш, тана ҳаракатини кучайтириш анчагина қийинлик туўдириши маълум.

Қаламда енгилгина ишланган хомаки расмда эса бу иш унчалик қийинлик туўдирмайди. Чунки бунда аввал белгилаб қўйилган нарсани ўчириш ёки йўқ қилиш зарурати туўилмайди. Оддийгина солиштириш билан бадий фикрнинг янги, янада ифодалироқ вариантини топиш имконини беради. Хомаки расм-эскизни муддатидан олдинроқ тугатиб қўйиш кейинги ишга ҳалақит беради, тасаввурни торайтиради.

Давомли ва узоқ муддатли расм чизиш билан бир вақтда тирик одам бошидан мунтазам равишда хомаки расм ва чизигилар қилиш зарур. Бундай хомаки расмлар нафақат одам бошини тасвирлашда олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш, балки тасвирда реал ҳаётни тасвирлаш қобилиятини ривожлантириш учун ҳам зарур.

Реалист-рассом инсонни ҳаракатда, унинг барча гўзалликларини тасвирлай олиши керак. Давомли расм устида ишлаш талабани ёрдамчи чизиклар, ўқ чизиқ, конструктив асослар ёрдамида тасвирни диққат билан ва методик босқичларда тасвир қуришга мажбур этади. Ўқувчи давомли ўқув расмида асосий эътиборини юзада реалистик тасвир қуришнинг қонуниятлари ва қоидаларига қаратади. Бинобарин, у ўқув-академик расмида бу ишни педагог ёрдамида, унинг узлуксиз кузатувида амалга оширади. Ўқув ва ижодий расм ўртасидаги фарқни оча бориб улар турли йўналишга эга эканликларини кўрсатиб ўтиш лозим. Ўқув расм билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун яратилади. Ижодий расмда эса аксинча-олинган билим ва кўникмалардан бадий образ яратиш учун фойдаланилади. Шунингдек аввал олинган билим ва малакалар асосида янгилик яратади.

Хомаки расм ҳам олинган билим ва малакалар асосида яратилиб, расмда энди ўқувчидан тасвир қуриш изчиллиги, ёрдамчи чизикларни қўллаш кабилар талаб этилмайди.

Хомаки расмлар ҳақида гапирилганда уларнинг вазифалари, мақсад ва йўналишларини тўғри аниқлаб олиш керак. Кўпинча «хомаки» тушунчасини расм устида ишлашнинг биринчи босқичи, шаклнинг чизиқли-конструктив қурилиши билан аралаштириб юборадилар. Бу албатта тўғри эмас.

Хомаки расм маълум вақт оралиғида кузатилаётган натура ҳақида тўлиқ тасаввур беришни мақсад қилиб қўяди. Хомаки расмлар ҳар хил давомийлик ва ҳар хил ишланишда бўлиши мумкин: иш шарт-шароитлари ва рассомнинг ўз олдига қўйган вазифаларига қараб ярим соатли, бир соатли, ўн минутли ва хоказо.

Хомаки расм-бу натурадан тезгина чизги қилиб олишдир; у ўқувчини тез фикрлаш, тасвирлашнинг энг ишончли ва мантиқий воситаларини қидириб топишга ўргатади, кузатувчанлигини ривожлантиради. Хомаки расм, расм чизувчини унча моҳияти бўлмаган нарсаларни четга чиқариб ташлаб, асосий нарсага қаратади.

Хомаки расм ўқувчида мустақил ишга бўлган тайёргарлик даражасини намоён этади.

Хомаки расмлар талаба тасвирий саводхонлиги қонуниятларини осон ва тез қўллай билишга ўргатиши лозим. Ўтмишдаги буюк устоз рассомларнинг хомаки расм намуналари ўзига хослиги, натуранинг энг характерли хусусиятларини ажратиб кўрсатилганлиги билан томошабинни ўзига тортади.

Натурадан ўқув – академик расм чизиш вазифаларида хомаки расмлар маълум ўқув-таълимий ва тарбиявий мақсадларни кўзлайди: Аввал ўтилган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш ва бошловчи рассомни мустақил ишлашга тайёрлашдан иборат. Хомаки расм чизиш-бу тез фикрлаш, тез таҳлил қилиш демакдир. Хомаки расм – бу аввал олинган билимларни ҳисобга олган ҳолда натура билан буюм ҳақидаги мантиқий фикрлашдир. Расм чизувчи хомаки расм чизиш давомида ушбу натура ҳақида, унинг шакл қурилиши конструктив тузилиши анатомик хусусиятлари ва хоказолар ҳақидаги бутун билимлари заҳирасидан фойдаланади.

Дала амалиёти даврида ўқув машғулотларининг энг кўп маҳсуддорлигига талабалар айнан хомаки расмлар чизишда эришадилар. Бунда улар ҳам натурани ўрганиш ҳам тасвирлашнинг бутун техник воситаларидан фойдалана билиш томонларини намоён этадилар.

Шунинг учун ҳам хомаки расмлар агар расм чизувчи натура ҳақида маълум маълумотларга эга бўлганидагина фойдалидир. Маълум вазифалар аниқ йўналтирилган мақсад бўлмасдан хомаки расмлар чизавериш ўқувчини ижоддан бездириб қўйиши мумкин.

Кўп йиллик амалиёт шуни кўрсатдики, маълум бир тизимсиз, услубий принципларсиз бу иш мақсадсиз бўлиши мумкин. Хомаки расм чизишга ўргатиш ҳам ўқув вазифаларини аста-секин мураккаблаштириш маълум бир услубий босқичликни тақазо этади. Дастлаб ўқувчилар учун анча енгил, ўқув вазифалари берилиши мақсадга мувофиқ.

Қисқа хомаки расм ва чизгиларда асосий эътиборни характерни очишга, кишининг образли характеристикасини кўрсатишга қаратинг. Энг асосийси давомли расм ва хомаки расмга бўлган ёндошишни тўри тушинишдир. Давомли ўқув расмда биз академик расмнинг асосий қоидалари – бош шакли қурилишининг конструктив тузилиш анатомик қонуниятларини ўзлаштирамиз; хомаки расм чизишда эса инсоннинг эмоционал ҳолатини – типажини илаб олиш талаб этилади.

Хомаки расм устида мунтазам ишлаш расм чизиш санъатини тезроқ эгаллаб олиш имкониятини беради. Бирорта рассом йўқки, у ўзи билан хомаки расмлар учун махсус альбом кўтариб юрмаган бўлса. Ўтмишнинг машҳур рассомлари ўзларининг кундалик ишларига жуда катта эътибор берганлар. Машҳур рассомлар доимо шуни таъкидлаганларки, рассом бирор кунни ҳам ўтказмай, гарчи у бу мақсад учун ҳеч нарса бўлмаса ҳам бирор-бир нарсанинг расмини чизишга ундаганлар чунки у шогирдга кейинчалик жуда катта фойда келтиради. Ҳаётда биз бир-бирига айнан ўхшаш одамни учратмаймиз. Рассомнинг вазифаси ҳам индивидуал хусусиятларни илаб олиш, ушбу одам учун ўзгача бир хусусиятни топа билишдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам кўпроқ кузатинг, кўпроқ натурадан расм чизинг, мунтазам равишда хомаки чизгилар қилинг.

Тасвирда инсон юзининг ҳаётий таъсирчанлигини бера олиш реалист рассом учун ўта муҳимдир. Ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси моҳир педагогни тарбиялаш экан, инсон танаси, бош шакли ва атрофдаги барча шаклларнинг расмини чизишга ўргатиш тизимида хомаки расмлар чизиш ишига жиддий эътибор бериш лозим. Хомаки расмлар ва қисқа чизгилар бошловчи рассомни ижобий фаолиятга узлуксиз боғлаб қўяди. Улар ўқувчини мустақилликка ва ўқув машқ тасвирий вазифаларни ҳал этишга ўргатади.

Тирик одам расмини чизиш рассом учун яхши мактаб ҳисобланади. Тирик инсон юз ҳаракатидаги шакл бойлиги ва ифодалилиги рассомга ушбу одамга хос бўлган энг характерли хусусиятларини илғаб олиш, ёш рассомга бадиий образ яратиш учун дадил қадам ташлаш имконини беради. Муваффақият билан ҳал этилган ўқув вазифалар расм чизиш санъати билан қизиқишга, кейинчалик эса тасвирий санъатни мукаммал эгаллашга бўлган интилишларга фойда бўлади.

4-мавзу. Инсон қоматининг умумий ҳолатини аниқлаш.

Инсон скелети.

Инсон қомати расмини чизиш скелет ва унинг асосий қисмлари тузилишини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун скелет тузилиши бўйича дарс машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Скелет тирик одам (ёки анатомик модель) позасига яқин позада, тик турган ҳолатда, иккала қўли пастда турган ҳолатда ва иккала оёғига бир хил таяниб турган ҳолатида жойлаштирилади.

1. Бош суяги.
2. Бўйин умуртқалари.
3. Кўкрак қафаси.
4. Елка суяги.
5. Тос суяги.
6. Умуртқа поёнаси.

7. Сон суяги.
8. Тирсак суяги.
9. Билак суяги.
10. Қўл панжалари суяги.
11. Катта болдир суяги.
12. Кичик болдир суяги.
13. Оёқ панжалари суяги.

Скелет инсон танасининг конструктив ва динамик кўриниши бўлиб ҳисобланади ва у ҳаракатланувчи асос вазифасини ўтайди. Одамнинг ҳаракатланиши, юриши, югуриши, меҳнат қилиши, спорт билан шуғулланиши ва ҳок.лар ушбу конструкциясининг тузилишига боғлиқ.

Суякларнинг бирлашган жойи (бўғим ва бирикмалар) ўзаро ҳаракати мушакларга бошни буриш, тана асосини эгиш ва букиш, қўлни кўтариш ва тушириш, кафтни муштум ҳолатига келтириш, ҳамда ҳар бир бармоқни алоҳида ҳаракатга келтириш имконини беради. Расм чизиш чоғида ўқувчилар эътибори торс (тана асоси), бош ва қўл-оёқларни ҳаракатга келтирувчи бўғимларнинг турли-туманлигига қаратилади. Ҳаракат давомида бўғимларнинг аҳамиятини амалий жиҳатдан тирик одам мисолида кўрсатиш машғулоти яхши ўзлаштирилишига тўртки бўлади. Бу рассомлар учун скелет ва тирик инсон танаси ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини яхшироқ англаб етиш имконини беради.

Тасвирий санъатнинг барча турларида бўлгани каби, инсон скелети ҳам маълум кетма-кетлик асосида чизилиши керак. Аввало қоғозга тасвирнинг умумий ҳолати ва жойлашадиган ўрнини кўрсатувчи энгил штрихлар чизилади. Скелет баландлиги вертикаль бўйича ўмров суягидан (тўш суяги туткичидан) товонгача бўлган оралик ҳисобланади ва у белгилаб қўйилади. Оёқлар жойлашувчи юзада горизонтал текисликдаги оёқ ўрнини кўрсатувчи перспектив тўғри чизиклар чизилади.

Сўнгра скелет баландлигини оёқ суякларини бирлаштирувчи чизик орқали иккига бўлинади, ўмров суяклари бирлашган жойдан эса икки елка суягини бирлаштирувчи чизик тортилади.

Вертикал чизиқнинг юқори учидан пастга томон бутун тана баландлигини ҳисобга олган ҳолда Бош баландлиги аниқланади ва шундан сўнг бутун скелетнинг баландлиги келиб чиқади. Сон суяқларининг дўмбоқлари ўртасидаги оралиқ масофа ва ўмров суяқлари ҳолати ўзаро ва бутун скелетга нисбатан солиштириб аниқланади.

Аниқланган сон суяқлари чизиқлари учидан пастга, оёқнинг тизза бўйимлари томон йўналган тўғри чизиқлар ўтказилади. Тизза бўйимларидан эса товонгача чизиқ тортилади.

Шундан сўнг скелетнинг юқори қисмини шакллари ишлашга ўтилади. Сон чизиғи асосида тос суяги, унинг баландлиги ва умумий шакли (трапеция) аниқланади. Думўзадан (тос суягининг энг пастки қисмида жойлашувчи қисмдан) бошланувчи ва Бош суягигача давом этувчи умуртқа поёнаси йўналишини кўрсатувчи чизиқ чизилади. Юқорида аниқланган Бош суяги баландлиги бутун Бош суягини чизишда асос бўлиб хизмат қилади. Шундан сўнг Бош суягининг бурилиш бурчагини кўрсатувчи бўйин суяги чизилади.

Кўкрак қафаси шакли ва ўлчамлари умумий белгиланади –умуртқа поёнасидан юқори қисмидан елка суяқлари ўтувчи тўш суягигача.

Расмда орқа тарафдан кўкрак қафаси устида ётувчи курак суяқларининг умумий кўриниши енгил чизиқларда белгилаб олинади. Шундан сўнг қўл суяқларига мос келувчи схема чизиқлари - елка чизиқлари охиридан кафтгача, кафтдан кафт усти суяқларигача чизиқ чизилади.

Скелет чизишдаги кетма-кетликни педагог скелетдаги суяк ва бирикмалар асосида тушунтириб беради. Бунда у қуйидаги асосий нисбат муносабатларини эслатиб ўтиши керак: одатда пастга туширилган қўл сон суягининг ўртасигача чўзилади, сон суяги узунлиги жиҳатидан болдир суяги билан деярли бир хил, елка ва тирсак суяқлари ҳам бир бирига тенг деб олиниши мумкин. Бош суягининг бутун скелетга нисбати эса 1:7 ёки 1:7,5 нисбатда бўлиши мумкин.

Расм чизишдаги кетма-кетлик ва тизимлилик расмда ташкилийлик ва ихчамлилик хусусиятларини шакллантиради ва келажакда инсоннинг

турли ҳолатларининг тасвирини чизишда санъат асарлари яратишда ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиришда мустахкам асос бўлиб хизмат қилади.

Скелет схемаси чизилганидан кейин, суяк шакли ва суякларнинг бирлашиш характерини аниқлаштирувчи чизиқлар чизилади. Асосий суякларнинг ўлчамини аниқлашда схема ва натура чизиқлари мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Сўнгги босқичда скелетнинг штрихли тасвири, ёруў-соялик тушиши натижасида унинг ҳажми кўрсатилганида. Ўтилган мавзунини мустахкамлаш мақсадида ўқувчилар скелетнинг схематик шакллари тўғридан, ён томондан ва алоҳида бўлаклари қисқа тасвирлар орқали мустақил бажаришлари мақсадга мувофиқ. 93,94-расмлар.

Экорше гипс анатомик модели расмини чизиш

Маълумки тасвирий санъатда, хусусан қаламтасвир бажаришда машўулотлар тизими соддадан мураккабга тартибда тузилиши керак. Шунинг учун ўқувчи биринчи бор натурадан кийимдаги инсон тасвирини чизишдан олдин унинг гипсдан ишланган намунасини тасвирлаб ўз малакаларини ошириши керак. Бунда ўқувчига инсон скелетини чизиш даврида олган билим ва малакалари қўл келади. Шунингдек у турли кийинчиликлар дуч келмаслиги учун натурадан инсоннинг турли ҳолатларини тасаввур ёки хотирага асосланиб машқлар бажарса кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Инсоннинг анатомик тузилишини тирик, ҳаракатдаги инсон мисолида ўрганиш мушкул бўлгани сабабли мазкур вазифани бажаришда машҳур француз ҳайкалтароши Жан Антуан Гудоннинг “Экорше” гипс моделидан фойдаланиб амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Гипсдан ишланган ушбу анатомик модель ўзида инсон танасининг терисиз ҳолатини акс эттиради. Уни чизиш орқали одам танасининг пластик асоси бўлиб ҳисобланувчи мускуллар тузилишини ўрганиш имконини беради.

Модель олд томони билан бироз баландликка ўрнатилади. Бунда жисм ёритилганлик даражасига эътибор берилади ва ёруўлик юқори-ён томондан тушиши ва ҳосил бўлган сояда модель шакли яхши англашилиши керак. Шунингдек, рассомнинг ён тарафига узоқроққа скелетни ҳудди шундай ҳолатда жойлаштириш бир-бири билан бўйим ва пайлар орқали бириккан алоҳида суяклардан ташкил топган каркас модельни аниқ тасаввур этиш имконини беради. Скелет суяклари инсон танасининг пластик ва нисбий тузилишини намоён этади. Чунки суякларнинг ўлчами тана қисмлари ўлчами ва нисбатларини белгилаб беради. Уларнинг ўзаро бирлашган жойи эса тана ҳаракатини кўрсатади. Бундан ташқари суяклар қаттиқ ва уларнинг шакли ўзгармас, мушаклар эса ҳаракат даврида кичрайиб ёки катталашиб туради, бу эса энди ижодга қираётган ёш рассомларни чалғутиши мумкин.

Расм чизувчилар бир-бирларидан энг камида бир-икки анатомик модель узунлигига тенг масофада жойлашадилар. Шунда модель ва унинг марказий чизиғи барчага кўринади. Марказий чизикжуфт (симметрик) шаклларни ишлаш чоғида ориентир вазифасини ўтайди.

Ёш рассомлар модельни ён тарафдан, марказ чизиғи тос суяғи билан аралашиб кетган кўринишидан расм қаламслиги керак. Чунки бу ерда рассом учун симметрик жуфт шаклларни солиштириш имкони бўлмайди.

Анатомик модель расмини ишлашнинг бошланғич босқичи бошқа жисмлар расмини ишлашдан фарқ қилмайди. Бунда жисм синчковлик билан таҳлил қилинади. Рассом моделни ўрганади ва кўриш нуқтасини танлайди. Рассом тасвир воситаларини тайёрлаб ишга киришади. Модель берилган форматдаги қоғозга тўлиқсиёйиши учун, авваламбор модельнинг энг юқори ва энг пастки нуқталарини аниқлаш керак. Расм ишлаш жараёнида тасвир қоғознинг марказида жойлашиши керак.

Расмни бир кўриш нуқтасидан чизиш катта аҳамиятга эга, аммо жисмнинг турли томонларини билиш ва кузатиш керак. Шунинг учун тажрибали рассомлар айтганидек жисмни олд томонидан чизаётганда, унинг ён томонлари ва орқа қисмини ҳам тасаввур этиш лозим.

Одам расмини ишлаш вақтида доимо шуни ёдда тутиш керакки, ҳажмли шакллар расм чизишнинг асоси бўлиб ҳисобланади, расм чизиш кетма-кетлиги эса умумийдан алоҳида қисмларга ва қисмлардан бойитилган умумий тасвирга ўтиш тартибида амалга оширилиши керак. Натурадан расм чизиш тартибига амал қилмаслик натижасида, ишланган тасвир нотабиий кўриниш касб этади. Ҳар бир иш ўз бошланиши, давом этиши ва якунланишига эга бўлганидек, расм чизиш жараёни ҳам ушбу тўртта босқич асосида амалга оширилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, умумийдан қисмларга, оддийдан мураккабга ўтиш тартиби – расм чизиш жараёнидаги асосий босқичлари бўлиб ҳисобланади. Иш бошлаш аввалида рассом расмнинг умумий кўриниши белгилаб олинади. Бу ерда у шаклнинг жойлашуви, ҳаракати ва характери ҳисобга олиши лозим.

Расм чизишда модельни ушбу модель жойлашган горизонтал юзага нисбатан кенгликда тик ҳолатда тўғри жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун авваламбор бўйин чуқурчасидан тос суяги томон чўзилган ва дум суяги билан якунланган марказий ўқчизиўи ҳолатини аниқлаш зарур. Инсон танаси симметрик ва унинг марказий ўқчизиўи торс (тана асоси) ҳаракатини аниқ кўрсатиб беради.

Кўпинча ёш рассомлар томонидан ишланган тик ҳолатдаги модель йиқилаётган кўриниш касб этади. Бунинг асосий сабаби марказий оўирлик чизиўи бўйлаб туширилган вертикаль тасвирланаётган инсон оёқларига ёки тана оўирлиги тушаётган оёққа тўғри келмайди. Рассом тананинг асосий қисмлари бир-бирига нисбатан қандай ҳолатда жойлашганини аниқлаши муҳимдир (қайси оёққа тана тиралган, тос суяги оёқларга нисбатан қандай ҳолатда жойлашган ва у қай даражада эгилган, бош ва қўлларнинг бурилганлиги ва ҳок. Модель ҳаракати расмда тўғри ифодаланиши учун эса ўқувчи унинг ҳаракатини ва жойлашувини тўғри таҳлил қилиши муҳимдир.

Шакл ҳолатини аниқлаш учун оўирлик тушиш маркази ва унинг йўналишини аниқлаш зарур. Оўирлик тушиш марказига кўра тана қисмлари шундай жойлашиши керакки, бунда тана мувозанатда йиқилмай туриши керак. Қуйидаги 95-расмда инсон тасвирини чизиш вақтида таянч ўқ

ҳолатини тўғри белгилаб олиш схематик тарзда кўрсатилган. Мукаммал тузилган одам танасининг оғирлик тушиш маркази билан, тик турган ҳолатда оғирлик тушиш марказининг ўртасида анча фарқ бор.

Ёш рассомлар ишидаги асосий камчилик кўп ҳолларда қуйидаги асосий нисбатларни аниқлаш билан боғлиқ бўлади: бош бутун тана узунлигига нисбатан ҳаддан ташқари катта ёки кичик, оёқлар қисқа, қўллар узун ва ҳок. Модель тасвирини тўғри ишлаш учун доимий равишда асосий нисбатларни эътиборда тутиш керак. Бунинг учун ўлчов воситаси сифатида, масалан, бош баландлигини олиш мумкин.

“Экорше” гипс модели расмини ишлашнинг дастлабки босқичида рассом бутун модельнинг умумий кўринишини белгилаб олиш лозим 96-расм. Модель қоғозда белгилаб олинганидан кейин, чизишни кўрсатилган кетма-кетлик бўйича қуйидаги суяклар бирлашган жойини топишдан бошланади. Бунинг учун қуйидагиларни англаб олиш керак:

модельдаги оёқларнинг ҳолатини аниқлаш учун тос ва сон суяклари бирлашган жойини аниқлаш;

тизза бўйими ва қопқоғи ҳолатини топиш учун сон ва болдир суяклари бирлашган жойини аниқлаш;

ички ва ташқи товон юқорисидаги дўмбоқлар ҳолатини аниқлаш учун болдир суякларининг товон билан бирлашган жойини аниқлаш;

икки ўмров суягининг курак ва елка суяклари билан бирлашган жойини аниқлаш;

тирсак бўйими жойлашувини аниқлаш учун елка суягининг билак ва тирсак суяклари билан бирлашган жойини аниқлаш;

билак ва тирсак суякларининг қўл кафти билан бирлашган жойини аниқлаш лозим.

Расм чизишда ушбу жойлар мўлжал вазифасини ўтайди. Анатомик модель расмини чизишни оёқдан ҳам бошлаш мумкин. Оёқни тосдан бошлаб қисмларга бўлиб чизилади. Бунда қисмлар жуфт-жуфт (иккита оёқдаги мушакларни бир-бири билан солиштирган ҳолда) чизилади.

Аввалабор соннинг тиззагача бўлган қисми, сўнгра тиззадан болдиргача бўлган қисм ва энг охирида товон шакли аниқланади.

Сон шакли тери остида жойлашган мушаклар тузилишига бевосита боўлиқ. Дастлаб расмда тос суягидан пастга тушувчи соннинг тўўри мушаги енгил чизгилар билан белгилаб олинади. Шундан сўнг соннинг устки қисмини шакллантирувчи устки ташқи сербар мушаги ва ички кенг мушак чизилади. Кўрсатиб ўтилган мушакларнинг пастки қисми тизза қопқоўи ҳисобланади.

Чизишда қулайликка эришиш учун сербар фацияни таранглаштирувчи мушакни, ҳамда ундан бироз юқориқдаги ўрта думба мушагини белгилаб олиш керак. Соннинг юқори-ички қисмидан яқинлатувчи узун мушакни аниқлаш керак.

Болдир суяги тузилишига ўтиш давомида авваламбор катта болдир суягининг қирраси йўналишини тўўри аниқланади ва у тизза бўўимидан ички товон дўмбоўигача белгиланади.

Шундан сўнг ички ва ташқи товон ҳолати ва шакли аниқланади. Болдирнинг бутун устки юзаси бўйлаб, кичик болдир суягининг бошчасидан тортиб кичик болдир мушакларини белгилаб чиқиш керак. Болдирнинг ички тарафидан болдир мушакнинг латерал бошчаси ва камбалсимон мушак белгиланади. Шу йўл билан расмда болдирнинг олд ва ён тарафдаги юзалари аниқлаб олинади.

Товоннинг умумий шаклини чизишда болдир ва товон суяқларини бирлаштирувчи болдир-товон бўўимини эътиборга олиш муҳимдир.

Болдир-товон бирикмаси бирлаштирувчи (шарнир) вазифасини ўтайди. Унинг кўндаланг ўқи товоннинг товон усти суяги блокидан ўтади. Болдир суяқларининг пастки қисми товоннинг ошиқва ошиқбошчаси қисми билан ички ва ташқи томондан бирикиб болдир-товон бўўимини ҳосил қилади. Расмнинг умумий тасвирини ишлаш учун ўқувчи схематик тарзда товоннинг ёйсимон тузилишини тушуниб олишлари лозим. Бунда товоннинг кафт суяги ва оёқ кафт усти суяги ёй ҳосил қилиб бир-бирига тиралишини кўрсатиб бериш керак. Ёйлар пружинасимон хусусиятга эга бўлиб, улар

оёқнинг амортизацияси бўлиб ҳисобланади. Бармоқ фалангалари ҳам товоннинг баъзи ҳолатларида оўирлик тушиш маркази бўлиб хизмат қилади.

Рассом товон расмини чизишни оёқнинг таг қисми ҳолати, таянч қисмлар ва бармоқларнинг шаклини аниқлашдан бошлаш керак. Товондаги оёқкафт суягига бош бармоқнинг бирлашган қисми, ҳамда бош бармоқнинг шаклини енгил штрихлар билан белгилаб олиб, товоннинг ички ёйсимон қисми ва қолган тўртта бармоқнинг умумлашган шакли аниқланади. Шунингдек, ташқи ёй шакли ҳам белгилаб олинади.

Товон расмининг умумий кўринишини чизиш сўнгида товон пайининг ҳолати ва шаклларининг орқа томондан кўриниши аниқланади, ҳар бир бармоқ шакли ва товоннинг ёйсимон қисми (олд ва ён томондан кўриниши) алоҳида белгилаб олинади.

“Экорше” гипс модели оёғини чизиб бўлинганидан сўнг тананинг тос қисми шакли ва тана асосини (торсни) аниқлашга киришилади. Бунда дастлаб тос суягининг ёнбош суяги ҳолати ва шакли аниқланиши керак.

Тос расми ишланганидан кейин ёнбош суякдан бошланувчи қориннинг ўрта чизиғидан мўлжал чизик сифатида фойдаланиш мумкин. Ўрта чизик жуфт шаклларни чизишда мўлжал вазифасини ўтайди. Тана асоси (торсни) қуйидаги икки қисмдан ташкил топган деб тасаввур қилишимиз мумкин: пастки қисм – тоснинг ёнбош суяги ҳамда жинс ва киндик оралиғидан бошланувчи, ён томондан қорин мушаклари ва юқорисида қовурўа ёйигача бўлган қисм; юқори қисм - қовурўа ёйидан бошланувчи ва кўкрак қафасини ҳосил қилган қисм.

Кўкрак қафаси расмини чизиш давомида, авваламбор, ўмров суяги, тўш суяги ва юқоридаги бешта қовурўа ва уларнинг юқори қисмига бирикувчи елка суягидан бошланувчи катта кўкрак мушакларининг ҳолати ва умумий шаклини аниқлаш керак. Катта кўкрак мушаклари орасида тўш суяги юзаси ва унинг пастки учини (ханжарсимон ўсиқни) белгилаб қўйиш керак.

Шундан сўнг ўнг қўл юқорига кўтарилганда кўкрак қафасининг ён тарафида тиш шаклини эслатувчи ва шунинг учун ҳам олдинги тишли мушаклар деб ном олган мушакларнинг умумий шакли аниқаланди. Бунда

белнинг энг кенг мушагининг бир қисми ҳам кўринади. Ушбу мушакни ҳам расмда белгилаш керак.

Қориннинг ташқи эгри мускуллари шаклини аниқлаш ва чизиш билан рассом тана асоси (торсни) ён томони юзасини чизишни тугаллайди.

Тана асоси (торсни)нинг олдинги пастки қисми энг охирги ўринда чизилади. Бунда асосий эътибор шартли ўрта чизикқа мос келувчи қориннинг мушаклари яхши ривожланган одамларда яққол кўзга ташланувчи қориннинг тўўри мускуллари ва пайларига қаратилади.

Расмда кўкрак қафасининг олдинги томонидан тоснинг олдинги томонигача чўзилган қориннинг тўўри мускуллари ҳолатини тасвирлаб, кўприксимон пай шакли характерини ва киндикни белгилаш керак. Елка камари расмини ишлашга киришиш олдидан ёш рассомларга ўмров суягининг ички бошчаси тўш-ўмров бўйими ёрдамида бирикиши ва ўмров суягининг уч йўналиш бўйича ҳаракатланишини тушунтириб бериш зарур. Шундан сўнг ўмров суягининг иккинчи учи елка камари ва кўкрак билан бирикиши кўрсатиб берилади, елка камари ва қўлнинг ҳаракатланишида мускулларнинг (дельтасимон мускул, катта кўкрак мускули, трапециясимон мускул ва ҳок.) аҳамияти ҳақида тушунча берилади.

Ярем чуқурчаси аниқланади ва елка камарининг тасвири жуфт ҳолда тасвирланади. Бош расми умумий чизгиларда ҳаракат характерини мужассамлаштирган ҳолда, елка камари ва бўйин ҳолатига мослаб бажарилади.

Қўллар тасвирини ишлашга ўтишдан олдин, елка кенглигини тос кенглиги билан солиштириш керак. Қўлларнинг умумий шакли илк чизгиларда белгилаб олинган эди. Шаклни аниқлаштиришда алоҳида бўлақлар ҳолда ишланади: дастлаб елка бўйимидан тирсак бўйимиғача, кейин тирсак бўйимидан билак-кафт бўйимиғача, охирида эса кафт расми чизилади. Бутун тана расмини ишлашда бўлгани каби қўлларни ҳам жуфт, параллел ҳолатда ишланади. Бу жуда ҳам қулай ва фойдалидир, чунки бундай ҳолатларда чап ва ўнг қўлнинг турли кўринишда бўлганида шаклдаги ўзгаришларни кузатиш имкони туўилади.

Дельтасимон мускулнинг ҳолати ва шакли текширилганидан сўнг, ушбу мускул елканинг икки бошли мускули ва унинг тагидан чиқувчи елка мускули орасидан чиқадиган жой белгилаб қўйилади. Куракдан бошланувчи елканинг икки бошли мускули дельтасимон мускул остидан чиқади ва пастга йўналади, тирсак чуқурчасида билак суягининг юқори қисмига бирлашган пай билан бирикади. Елка суягидан тирсак суяги бошчасигача давом этган елка мускули тери остида қисман икки бошли мускул олдидан ўтади. Икки бошли мускулнинг икки томонида чуқурчалар мавжуд ва улар рассомга елка ва икки бошли мускул чегараларини аниқ белгилаш имконини беради. Қўлнинг ён юзаси елка суягининг ички томонидан елка мускуллари билан чегараланади. Билак юзасининг умумий шакли бир гуруҳ мускулларнинг ташқи кўриниши асосида аниқланади: булар кафтни ҳаракатлантирувчи узун ва қисқа елка-билак мускуллардир.

Модель расмини чизиш якунланганидан сўнг, уни узоқроққа қўйилиб, узоқлаштирилади ва тасвирни натура билан тез-тез назар ташлаш йўли билан солиштирилади ҳамда юқоридан пастга томон нисбатлар аниқлиги текшириб чиқилади. Модель расмини чизишда, аввал ёруғлик-соя муносабатларини ҳисобга олган ҳолда, штрихлар ёрдамида умумий чизгилар чизилади. Модель умумий ҳажмга эга бўлиши учун шаклларнинг бир юзадан иккинчи юзага ўтишини штрихлар билан ажратиб кўрсатиш лозим.

Шундан сўнг модельнинг алоҳида қисмлари тасвирини ишлашга ва ҳар бир детални аниқлаштиришга ўтиш мумкин.

Шаклни ҳосил қилиш учун фақатгина модель тузилиши тамойилларини умумий тарзда ўрганиш вазифаси қўйилгани учун, моделнинг майда бўлақларини ишлашга унчалик ҳожат йўқ. Масалан, кулок ўоваги, бурун, бармоқ бўйимлари ва ҳоказолар чегараланган вақт давомида ишланаётган расмда ифодаланмайди.

Чизиқли-конструктив расмларда рассом моделнинг катта ва кичик қисмларини умумийлаштириб бир шакл кўринишида тасвирлай олиши, ҳамда шаклнинг конструктив тузилишидан фойдаланиб, ушбу моделнинг табиий шаклини кўрсата олиши етарлидир.

Шундай қилиб гипсдан ишланган анатомик модель расмини чизиш босқичларини кўрсатиб ўтамиз:

1. Модель чизиш аввалида енгил чизиқлар ва штрихлар билан композиция жиҳатидан қуриб, чизиқли конструктив асосида чизилади.
2. Чизиқ шакл ажралиб чиққунича босқичма-босқич доимий равишда қалинлаштириб борилади;
3. Модель шаклини симметрик қилиб чизиш керак, бунда жуфт шакллар ва уларнинг перспектив ўзгариши солиштириб борилади;
4. Модельга тез-тез қараб гоҳида расмнинг тузилиши, гоҳида эса қисмлари ва умумий шакли текшириб борилади;
5. Вазифани бажаришда рассомни чалўитувчи кичик деталлар тасвирига расм сўнгида, умумий тасвир ҳосил қилингандан сўнггина эътибор берилиши керак.

Назорат саволлари.

- 1.Қаламтасвир ишлаш методик босқичларини тушунтириб беринг.
- 2.Узоқ муддатли қаламтасвир ишлаш билан қаламчизгининг фарқи нимада?
- 3.Ўқув академик қаламтасвир ишлашнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
- 4.Ўқув ва ижодий қаламтасвир ишлашнинг бир-биридан фарқи нимада?.
5. Қаламчизги ва қорамалар нима?
6. Шаклнинг конструктив асоси деганда нимани тушунаси?
7. Қиррали буюмларнинг конструктив асоси деганда нималарни тушунаси? Мисоллар келтиринг.
8. Шахсий соя билан тушувчи соянинг фарқи нимада?

9. Ёруғ, соя, яримсоя, ялтироқлик рефлекслар ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?
10. Оддий ва мураккаб шакллар деганда нимани тушунасиз?
11. Шакл қуришда ёрдамчи чизиқларнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, мисоллар келтиринг.
12. Ўқ чизиғи нима?
13. Турли шаклларнинг перспектив қисқариши тўғрисида маълумот бериб, мисоллар келтиринг.
14. Буюм нисбатлари деганда нималарни тушунасиз?
15. Уфқ чизиғи нима?
16. Сурат текислиги нима?
17. Картина текислиги деганда нимани тушунасиз?
18. Туташ нуқтасига мисол келтиринг.
19. Айлана перспективаси нима? Мисоллар келтиринг (уфқ чизиғидан пастда, юқорида, уфқ чизиғи баландлигида).
20. Буюм текислигини тушунтириб беринг.
21. Уфқ текислиги деганда нималарни тушунасиз?
22. Чизиқли ва ҳаво перспективаси қонуниятларини айтиб беринг.
23. Катта шакл нима?
24. Қалам, кўмир, сангина билан ишлаш техникалари тўғрисида гапириб беринг.
25. Таянч нуўтаси ва мувозанат тўўрисида сўзлаб беринг.
26. Одамнинг ҳаракат ҳолати тўўрисида гапириб беринг.
27. Инсон скелети тўўрисида маълумот беринг. Унинг тасвирини методик босўичларда чизиш усулларини сўзлаб, амалий кўрсатинг.
28. Қаламчизги ва ҳомаки расм нима? Улар тўўрисида маълумот беринг.

29. «Шаклнинг конструктив асоси» деганда нимани тушунасиш?

30. Одамнинг пластик анатомияси деганда нимани тушунасиш?

Психологик портрет нима? Мимика мускуллари тўғрисида маълумот беринг.

31. Катта шакл нима?.

32. Инсон қоматини тасвирлашда анализ ва синтез йўли билан тасвир бажариш деганда нимани тушунасиш?

33. Педагогик расмнинг оддий расмдан фарқи нимада?

34. Буюмда ёруғликнинг тақсимланиш қонуниятларини гапириб беринг.

35. Табиий ва сунъий ёруғлик нурларининг буюмга тушиши натижасида ҳосил бўлувчи соя-ёруғлик муносабатлари тўғрисида маълумот беринг.

36. Қалам, кўмир, сангина билан ишлаш техникалари тўғрисида гапириб беринг.

37. Одам қоматинининг тузилишини схема асосида чизиб кўрсатинг.

38. Таянч нуқтаси, таянч ўқи ва инсоннинг мувозанати тўғрисида маълумот беринг.

39. Одамнинг ҳаракат ҳолати тўғрисида сўзлаб, схематик расмлар чизиб кўрсатинг беринг.